

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 342:331.10544(575.1)

ХОНИМОВ ШАРОФИДДИН БАХОДИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ**

5A240108 – Давлат бошқаруви ҳуқуқи мутахассислиги
Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Илмий раҳбар: И. Тультеев,
юридик фанлар доктори, доцент
Илмий маслаҳатчи: Х. Хайитов,
доцент в.в.б.

Тошкент - 2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВЛАТ	
1.1. Касаба уюшмалари фуқаролик жамияти институти сифатида.....	11
1.2. Ўзбекистон Республикасида касаба уюшмаларига оид қонун ҳужжатларининг ривожланиши.....	19
II БОБ. МАМЛАКАТИМИЗДА КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ	
2.1. Касаба уюшмаларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва фаолиятига доир конституциявий нормалар таҳлили.....	31
2.2. Фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқининг конституциявий-ҳуқуқий асослари.....	38
III БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАҚОМИНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ	-
3.1. Касаба уюшмаларининг ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи халқаро ҳужжатлар таҳлили.....	45
3.2. Айрим ривожланган хорижий мамлакатларда касаба уюшмаларининг ҳуқуқий мақомига оид қонун ҳужжатларининг қиёсий таҳлили.....	47
IV БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ КАФОЛАТИ СИФАТИДА КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ РОЛИНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	
4.1. Касаба уюшмаларининг фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини муҳофаза қилишдаги ролини ошириш имкониятлари.....	58
4.2. Касаба уюшмалари фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишлари.....	64
4.3. Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш йўллари.....	72
ХУЛОСА.....	78
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	82
ИЛОВАЛАР.....	89

К И Р И Ш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Фукаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фукаролик институтлари ролини янада кучайтириш фукаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Қонунининг қабул қилиниши билан Асосий қонунимизнинг 32-моддасига тузатишлар киритилди. Киритилган тузатишларга мувофиқ, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институти халқ ҳокимиятининг муҳим элементи сифатида конституциявий мақомга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, Асосий қонунимизнинг 32-моддасига киритилган тузатишлар конституциявий

тузатишни ривожлантириш бўйича қабул қилинган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа кўплаб қонунчилик ҳужжатлари фуқаролик жамиятини юксалтиришда, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишда фуқаролик институтлари, оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди¹.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ижтимоий ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўз фаолиятини нодавлат ташкилоти сифатида амалга оширадиган касаба уюшмаларининг роли бу борада бекиёсдир.

Буни биргина 2016 йилнинг 1-чорагида касаба уюшмалари томонидан амалга оширилган ишлар мисолида билиб олиш қийин эмас. Хусусан, меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш борасида мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан киритилган меҳнат муҳофазасига доир 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ўрганиб чиқилди ва уларнинг 4 таси белгиланган тартибда келишилди, 16 та идоравий норматив ҳужжат жамоатчилик экспертизасидан ўтказилди.

Касаба уюшмалари ташкилотларига меҳнаткашлар томонидан киритилган 1 минг 574 та мурожаат ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиб, уларнинг 1 минг 396 таси ҳал этилди. Бунинг натижасида 133 нафар шахснинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, Касаба уюшмалари томонидан касаба уюшмалари аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи 123 минг 450 та юридик шахснинг 122 минг 619 тасида, яъни 99,3 фоизида имзоланган жамоа шартномалари орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминланди.

¹Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузадан // <http://uza.uz>

Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат жамоалари билан касаба уюшмаларига аъзолик афзалликлари бўйича олиб борилган тушунтириш-тарғибот ишлари натижасида 7 мингдан ортиқ хўжалик субъектларида фаолият олиб бораётган 50 минг нафардан зиёд ходимлар касаба уюшмалари ҳимоясига олинди¹.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да² фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий масалаларига ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди.

Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида таклиф илгари сурилди.

Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш фурсати етганлиги таъкидланди. Шунингдек, Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарурлиги белгиланди.

Шу билан бирга мазкур концепцияда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамият ва давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор

¹Касаба уюшмалари Федерациясининг 2016 йил 1-чораги давомида амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботидан // kasaba.uz

²Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 137.

шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги илгари сурилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуннинг тезроқ қабул қилиниши кўп жиҳатдан олдимизда турган вазифалардан бири қонун ижодкорлиги фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштириш бўйича самарали тизим яратишдан иборат бўлган, бу биз учун асосий марраларимиздан чалғимасдан, реал ҳаётдан узоқлашмасдан, нафақат давлат бошқаруви, иқтисодий тараққиёт соҳасидаги аниқ вазифаларни ҳал этишда, балки асосий мақсадимиз бўлган ҳуқуқий демократик давлат қуришни изчил амалга оширишда қандай қонунлар қабул қилишимиз кераклигини аниқ белгилаш имконини беришини таъкидлади. Шунингдек, даврнинг ўзи, янги конституциявий шароитлар бу борадаги ишларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий қонунчилик асосида ташкил этиш ва бажаришни тақозо этмоқдалиги айтиб ўтилди.¹

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши кўп жиҳатдан касаба уюшмаларининг Конституция ва қонунларда белгиланган жамоатчилик назоратини амалга ошириш функциясини ҳуқуқий механизминини белгилаб беради ва бу борадаги ишларни ҳуқуқий асосларини тўлақонли яратилишида муҳим асос бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда касаба уюшмаларининг ҳуқуқий асослари бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинмоқда. Бу борада энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўрни ва роли бекиёсдир. Сабаби, мазкур Конституцияда касаба уюшмаларининг конституциявий-ҳуқуқий асослари аниқ белгиланиб, у асосида бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

¹Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // <http://uza.uz>

Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий вазифаси меҳнаткашларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, жумладан, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ ва ваколатларини кафолатлашдир.

Касаба уюшмаларининг конституциявий-ҳуқуқий мақомини ўрганишнинг зарурияти шу билан изоҳланадики, касаба уюшмалари орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари жумладан, сиёсий ҳуқуқлари кафолатланади. Касаба уюшмаларининг ҳуқуқий асосларини янада кучайтириш ва кенгайтириш, бугунги ривожланиб бораётган фуқаролик жамиятининг асосий талабларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ – 405-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Қонуннинг 8-моддаси қуйидаги таҳрирда қабул қилинди:

Нодавлат нотижорат ташкилоти:

қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларига риоя этиши;

ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиши, шу жумладан молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаши;

рўйхатдан ўтказувчи орган билан тадбирлар ўтказишни келишиб олиши (сиёсий партиялар бундан мустасно) ва унинг вакилига ўтказилаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериши;

нодавлат нотижорат ташкилоти вакилларининг чет мамлакатларга нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ ташрифлари уюштирилиши ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилиши;

чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиб олиши;

рўйхатдан ўтказувчи органга, давлат солиқ хизмати органларига ва давлат статистикаси органларига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиши шарт¹.

Юқорида келтирилган мажбуриятларнинг киритилиши “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади.

Юқорида баён этилган ҳолатлар ва фикр-мулоҳазалар жамулжам ҳолда танланган мавзунинг долзарблигини, шунингдек уни чуқур ўрганиш заруриятини белгилайди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Касаба уюшмаларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми тадқиқотнинг объектини ташкил этса, тадқиқотнинг предмети касаба уюшмаларини фаолияти билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро ҳужжатлар ва айрим хорижий мамлакатларнинг тажрибалари ва статистик маълумотлар таҳлили ташкил этади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили. Касаба уюшмалари билан боғлиқ масалалар юзасидан А.А. Иноятов, М.Ю. Гасанов, Е. Соколов, Й. Турсунов, М. Усмонова, О.Б. Шамсиддинова, Г. Сатторовалар томонидан тайёрланган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида ўқув дастури доирасида касаба уюшмаларига меҳнат ҳуқуқи нуқтаи назаридан эътибор берилган.²

Хорижий мамлакатларда А.В.Симагин, В.В.Грибанов, Н.Л.Лютов, А.Фернер, Р.Хяман, В.Кендалл, В.И.Башмаков, Ш.З.Санатулов, А.Н.Аринин,

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–405-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 17-сон, 173-модда

² Иноятов А.А. “Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи” –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002 й. - Б.140; Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. “Ўзбекистонда меҳнат шартномаси (контракт)”. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996, 1-2 китоблар; Турсунов Й., Маҳмудова М. “Ёшлар меҳнат ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари”. Тошкент; ТДЮИ. 2002 й.; Турсунов Й., Усмонова М. “Меҳнат ҳуқуқи” ўқув қўлланмаси. –Тошкент; “Молия”, 2001 й.; Турсунов Й. “Трудовое право Республики Узбекистан”, –Тошкент; ТДЮИ, 2005 г, ст. 180-193., Сатторова Г.Д. “Меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикчилик ва унинг ҳуқуқий муаммолари” Ўқув қўлланма. –Тошкент; ТДЮИ. 2007., Шамсиддинова О.Б. “Меҳнат интизомига оид қонунчилик ва ходим ҳуқуқларини ҳимоялаш муаммолари” магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация, ТДЮИ 2011й, Саттарова Г.Д. Социальное партнерство в форме коллективно-договорного регулирования трудовых отношений в Республике Узбекистан. Монография . Тошкент; ТГЮИ. 2010, Соколов Е. Меҳнат ва ҳуқуқ ёки корхоналар ходимлари ўз меҳнат ҳуқуқи ва кафолатларини қандай ҳимоя қилишлари керак. – Тошкент, 2009. – 496 б. ва бошқалар.

А.Г.Воржецов, Е.А.Козлова, В.М.Шмаков¹ ва бошқа олимлар томонидан касаба уюшмаларининг фаолияти муайян даражада ёритилган.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади касаба уюшмаларининг ҳуқуқий асосларини таҳлил этиш, уларни мақоми ва фаолиятида мавжуд муаммоларни аниқлаш, касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш борасида илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагиларга қаратилган:

биринчидан, касаба уюшмаларининг пайдо бўлиши, унинг мазмун моҳияти, асосий тушунчаларини ўрганиш;

иккинчидан, касаба уюшмаларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ қонун ва қонун ости ҳужжатларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва улардаги бўшлиқларни ҳамда камчиликларни аниқлаш;

учинчидан, касаба уюшмалари фаолияти йўналишларини тадқиқ этиш;

тўртинчидан, касаба уюшмалари фаолияти йўналишларидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш;

бешинчидан, ривожланган давлатлардаги касаба уюшмалари фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини, фуқароларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишларини ўрганиш ва Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятида қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Ишнинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, магистрант томонидан касаба уюшмаларининг конституциявий-ҳуқуқий мақомининг назарий, ҳуқуқий ва амалий масалалари конституциявий ҳуқуқ нуқтаи

¹Симагин А.В. Историческая роль и уроки профсоюзного движения. – СПб.: ЗУМЦ, 2009. – С. 68-69; Грибанов В.В. Профсоюзы и политика: монография. – СПб.: Изд-во РГПУ им. 2001. – 285 с.; Лютов Н.Л. Профсоюзное движение в Великобритании: основные этапы развития и современный правовой статус // Труд за рубежом, 2007. № 3. С. 142.; Ferner A., Hyman R. (eds.) Changing Industrial Relations in Europe. Oxford: Blackwell, 1998. P. 95.; Kendall W. The labour Movement in Europe. London: Alien Lane, 1987. P. 85. Башмаков В.И., Санатулов Ш.З. Профсоюзы современной России. – М.: АТиСО, 2007.; Аринин А.Н. Зрелость гражданского общества – основа устойчивого развития и безопасности России. // Личность. М., 1999, декабрь. – С. 8-20.; Шмаков, В.М. Профсоюзы готовы укрепить основы гражданского общества / Шмаков В.М. // Труд и социальные отношения. – 2006. - № 4. - С. 42-47.

назаридан махсус тадқиқ этилди. Натижада бу борада юзага келаётган муаммоларни ечимини топишда янги тушунчалар, илмий назарий хулосалар ва қонун ҳужжатларига таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот натижасида касаба уюшмаларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш юзасидан вужудга келадиган муаммолари конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назардан комплекс ёритилиб, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали унинг янада самарали қўлланилишига эришилади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот ишида индукция ва дедукция, таҳлил, мантиқий ва тизимли, статистик, моделлаштириш ва формал-мантиқий, қиёсий-ҳуқуқий ва тарихий-қиёсий каби методлардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, мазкур илмий иш касаба уюшмаларининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиш ва унинг моҳияти ҳақидаги илмий тасаввурларни ривожлантириш, уни дифференциация қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари ва шартларини тадқиқ этишга қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалардан касаба уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштиришда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритишда, касаба уюшмаларининг халқаро ҳуқуқий асосларини ўрганишда қўл келиши мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, ихтисослашган Олий ўқув юртларида “Конституциявий ҳуқуқ”, “Меҳнат ҳуқуқи” “Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи” каби махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация тузилмаси ва ҳажми. Илмий ишнинг тузилиши ва ҳажми тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларига мувофиқдир. Диссертация кириш, тўққизта параграфни ўз ичига олган тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 81 бет. Ишда 82 та манба ва адабиётлардан фойдаланилган.

I БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВЛАТ

1.1. Касаба уюшмалари фуқаролик жамияти институти сифатида

Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири юксак ҳуқуқий-сиёсий маданиятга асосланган демократик институтларнинг эркин фаолият юритиши ҳамда уларнинг давлат органлари билан ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатда бўлишидир. Шу маънода, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сиёсий фаоллигини йўлга қўйиш бугунги кунда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Касаба уюшмаси ўзини ўзи бошқарадиган, кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Конституцияси, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Устави ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида юритади.

Касаба уюшмаси Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб боради ва кўнгиллилик, демократизм, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик тамойилларига асосланади.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, “Мақсад ва йўналишларнинг барчаси, аввало, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари”, деган тамойилини ўзида ифода этади”¹.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ушбу маърузасида: “Мен шу борада аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор бераётганимизни ҳам алоҳида

¹Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13 — Тошкент.: «Ўзбекистон», 2005. – Б. 148.

таъкидламоқчиман”¹, деб уқтиргани бежиз эмас. Касаба уюшмалари фаолиятнинг барча жабҳаларини фаоллаштириш, жамиятдаги ижтимоий кучлар билан муносабатларни чуқурлаштириш, ходимлар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини юқори даражага кўтариш ва бу мақсадларга эришиш учун Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликни кучайтириш бўйича аниқ мақсадлар доирасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос қонунлар яратиш, мавжудларини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Зеро, қонунлар жамият ҳаёти ва демократик тараққиёт негизидир. Қонунлар, аввало, жамият ҳаётининг асосини яратиб, давлат ва халқ манфаатларига хизмат қилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида меҳнат аҳлига моддий ва маънавий қўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномалари ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик онгида ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини тарбиялаш, одамларнинг ташаббус ва интилишларини рағбатлантириш бош мезонга айланган.

Маълумки, касаба уюшмалари жамоат бирлашмаларининг муҳим бир кўриниши ҳисобланиб, унинг илк кўринишлари ғарбий Европада вужудга келган. Масалан, XVIII аср охирида Англияда ташкил топган касаба уюшмалари тарихга “trade-union” номи билан кирган бўлиб, “trade” “меҳнат, хунар, савдо”, “union” эса “бирлашма, уюшма” деган маънони билдирган².

XX асрнинг иккинчи ярмида ҳар бир минтақада уюшма, федерация, конфедерация сингари ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ташкилотлар вужудга келди. Булардан энг йириклари Бутунжаҳон касаба уюшмалари Федерацияси,

¹Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13 — Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2005. — Б. 148.

²Рабиев Ш. Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилади. // [www/minjust.gov.uz](http://www.minjust.gov.uz).

Эркин касаба уюшмалари халқаро конфедерацияси, Европа касаба уюшмалари конфедерацияси ва бошқалардир¹.

XVIII асрлардаёқ Англияда илк касаба уюшмалари, жумладан, Шляпадўзларнинг касаба уюшмаси тузилган бўлса, XIX аср ўрталарида жамоавий шартномалар пайдо бўлди². Бунинг асосий сабабларидан бири давлат томонидан капиталистларнинг корхоналардаги иш кунини мажбуран узайтиришини қўллаб-қувватланишидир. Бунда “ўйлаб чиқарилган иш ҳақи” ўрнатилган ва иш вақти давомийлиги қонуний тартиблар билан мустаҳкамланган. XIV асрдан бошлаб бир қатор Ғарбий Европа мамлакатлари (Франция, Нидерландия в.б.) каби Буюк Британияда ҳам ишчилар тўғрисида низом амалда бўлган³. Ушбу низом асосида ишчилар учун белгиланган иш куни ва унга тўланадиган иш ҳақлари миқдори, даражаларини аниқ белгилаш мақсад қилиб олинган. Капитализм мустаҳкам оёққа туриб олгач, 1813 йили Англияда бу низом амалиётда қўлланилмаган ва у бекор қилинган.

Ишчи ходимлар ҳуқуқий онгининг ўсиб бориши бу каби низомларнинг бекор бўлишига олиб келди. Шу билан бирга, ишчиларда ўз ҳақ-ҳуқукларини ҳимоя этиш мақсадида бирлашиш истаги пайдо бўла бошлади. Мавжуд вазиятда улар бирлашишга мажбур эдилар. Уюшган ишчилардан ҳадиксираган капиталистлар ўзларини давлат орқали ҳимоя қилишга ўтишган⁴. Шунинг учун ҳам кўп мамлакатларда касаба уюшмаларини тақиқлаш тўғрисида қонунлар мавжуд бўлган. Фақатгина XIX аср охирига келиб касаба уюшмалари қонунийлаша бошлаган. 1871 йилдаги Қонунга биноан Англиядаги касаба уюшмалари рўйхатга олинган ва рўйхатдан

¹Барабанов А. А. Профсоюзы России в условиях современной политической системы Специальность: Политические институты, процессы и технологии // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата политических наук. – Санкт-Петербург., 2013 г. – С. 55.

²Яблокова И.А. Коллективный договор в Англии. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва. 1995. – С. 3.

³Социальное партнерство как метод согласования интересов субъектов социального государства. Лекция Социального государства. № 15.

⁴Киселев И.Я. Трудовое право России и зарубежных стран. Международные нормы труда: учебник под ред. Лушниковой М.В. (3-е изд.). М.: ЭКСМО, 2008. Ст. 608.

ўтказилмаган икки гуруҳга ажралиб қолган¹. Ушбу Қонун бир қатор афзалликларга эга бўлиб, унга кўра рўйхатдан ўтиш ихтиёрий бўлган.

Шу жумладан, 1868 йилда Тред-юнионларнинг Британия конгресси ташкил топди. Белгия ишчи партияси 1898 йилда касаба уюшмалари комиссиясини ташкил этган бўлса, 1906 йили Россияда ташкиллаштирилган касаба уюшмалари ҳаракати бошланган². АҚШда эса ишчиларнинг ташкилотлари XX асрнинг 30-йилларидан Қонуний тан олинган (Вагнера³ Қонуни 1936 й. ва Норриса-Ла Гардиа⁴ Қонуни 1932 й.). Касаба уюшмалари ҳаракатларининг ривожланиши иш берувчилар уюшмаларининг пайдо бўлишига олиб келган.

Касаба уюшмаларининг узоқ йиллик тарихи унинг меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган анъанавий ташкилотга, яъни жамоат ташкилотига айлантирган. Касаба уюшмалари кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради. Барча меҳнаткашлар, айтилиши вақтда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган шахслар ҳеч қандай тафовутсиз ўз хоҳишларига кўра ва олдиндан ижозат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмалари тузиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, уставларга риоя этиш шарти билан касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эгадирлар. Касаба уюшмалари, номидан кўриниб турибдики, мустақил ташкилот бўлиб, корхона, муассаса, ташкилот ва бошқа меҳнат, ўқув юрти жамоаларида ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоячиси ҳисобланади. Шу маънода улар ўз фаолиятида давлат бошқаруви идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақилдирлар. Муҳими, касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини чеклайдиган ёки шу

¹Яблокова И.А. Коллективный договор в Англии. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва. 1995. – С. 6.

²Козлихин И.Ю. Идея правового государства: История и современность. СПб.: СПбГУ, 1993. Ст. 150.

³http://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_economic_law // (Закон Вагнера (англ. – national labor relations act) –принятый 1935 года в США закон о регулировании трудовых отношений. Внесен сенатором Р. Вагнером. Провозгласил право рабочих на заключение коллективных договоров, на забастовку и т.д. Принятый в 1947 г. антирабочий закон Тафта-Хартли по существу заменил собой З.в.)

⁴<http://senatm.com/shpargalki-gosudarstva-prava/norrisa-lagardiya-1932.html>

ҳуқуқларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган тарздаги ҳар қандай аралашув ман этилади. Фуқароларнинг касаба уюшмаларга аъзолиги ёки аъзо эмаслиги улар орасида бирон-бир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тафовутни келтириб чиқармайди.

М.Ҳ.Баратовнинг фикрича, касаба уюшмалари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари кафили сифатида иш кўради, давлат билан ўзаро муносабатларини ёлланма меҳнат кишиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалашда намоён этади. Касаба уюшмалари ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотлардаги ишчи-хизматчиларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий, интеллектуал ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилади.

М.Содиқова бу борада касаба уюшмаси ўз аъзолари манфаатлари йўлида қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти органлари, иш берувчилар ва бошқа жамоат бирлашмалари, юридик шахс ва фуқаролар билан ҳамкорликни жамоа шартномалари ва битимлар тузиш орқали ижтимоий шерикчилик асосида амалга оширишини таъкидлайди. Жамоа шартномаси ва ички меҳнат тартиб-қоидалари корхонанинг асосий ҳужжатлари ҳисобланади. Улар ходимлар (уларнинг вакиллик органлари) билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларини, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муносабатларнинг турли жиҳатларини тартибга солади¹.

Ҳуқуқшунослар М.Брагинский, В.Витрянский: “Шартномаларни тузиш жараёнининг табиати муайян тартибни тақозо қилади: агарда шартнома маъноси келишувда ифодаланса, унинг тузилиши учун ҳар бир тарафнинг иродаси ифодаланиши ва у ўзаро мос келиши лозим”, деб кўрсатадилар².

Аксарият олимлар томонидан, хусусан, Н.В.Макарейко касаба уюшмалари вакиллик мақсадида ва меҳнаткашларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ташкил этиладиган жамоат ташкилоти эканлиги таъкидланади³.

Л.М.Маирова фикрича касаба уюшмалари — тарихан ишчилар уюшмасининг ташкилий шакли бўлиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий

¹Содиқова М. Касаба уюшмалари — фуқаролик ҳуқуқи ҳимоясида // <http://huquqburch.uz/uz>

²Макарейко Н.В. Административное право / <http://www.e-reading.club/book>

³Макарейко Н.В. Административное право / <http://www.e-reading.club/book>

ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган оммавий ижтимоий ташкилот ҳисобланади¹.

Касаба уюшмалари давлат идоралари, хўжалик ташкилотлари, кооператив ва ўзга жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабатларда касаба уюшмалари тўғрисидаги амалдаги қонунларга мувофиқ касаба уюшмаси аъзоларининг ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳадаги манфаатларини кўзлаб иш олиб боради ва уларни ҳимоя қилади.

Бундан ташқари, Г.Саттарованинг қарашларига кўра “касаба уюшмалари бугунги кунда ходим ва иш берувчи ўртасидаги бирламчи воситачи бўлиб, ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва низоларни ечиш йўли билан меҳнат самарадорлигини таъминловчи ташкилот ҳисобланади”².

Юқорида келтирилганлар фикр мулохазаларнинг асоси сифатида “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида касаба уюшмаси кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради деб белгилаб қўйилган³.

Касаба уюшмаларининг мамлакатимиздаги юқори органи – Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашидир. Касаба уюшмалари қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда (масалан, меҳнат ва ижтимоий масалаларга оид таклифлар билан давлат бошқаруви идораларига чиқишга ҳақлидирлар, айтини вақтда давлат бошқаруви идоралари айтган шу соҳага дахлдор қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашини камида бир ҳафта олдин хабардор этган ҳолда қабул қиладилар), меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, жамоа шартномаларини тузишда ва уни

¹Маирова Л.М. Защита профсоюзами трудовых прав работников. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. кандидата юридических наук, 2007 г. – С. 87.

²Саттарова Г. Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмаларининг фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашдаги ўрни // Мақола // Инсон ва Қонун / 2014 й. – Б. 4.

³“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 20-модда.

маъмурият томонидан бажарилишини назорат қилишда, ижтимоий ҳимоя масалаларида, меҳнат низоларини кўриб чиқишда қатнашадилар.

Касаба уюшмалари ходимларнинг республика Конституцияси ва бошқа жорий қонунларда белгиланган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилади.

Меҳнаткашлар корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ва бошқа иш жойларида касаба уюшмалари тузишга ҳақлидирлар. Ишламайдиган пенсионерларнинг касаба уюшмаси аъзолигига кириш ёки ундан чиқиш тартиби касаба уюшмаларининг уставлари билан йўлга солиб борилади.

Касаба уюшмалари ихтиёрийлик асосида республика ва бошқа ҳудудий ҳамда тармоқ бирлашмалари тузишлари, шунингдек, уларга киришлари мумкин.

Касаба уюшмаларининг уставлари “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунда белгиланган тартибда Адлия вазирлигида рўйхатга олинади.

Касаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат бошқарув идораларидан, хўжалик идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақилдирлар, улар олдида ҳисобдор эмаслар ва улар томонидан назорат қилинмайдилар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини чеклайдиган ёки шу ҳуқуқларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган тарздаги ҳар қандай аралашув ман этилади.

Касаба уюшмалари мустақил равишда ўз уставларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, уюшма тузилишини белгилайди, раҳбар идораларини сайлайди, ўз фаолиятини ташкил этади, йиғилишлар, конференциялар, пленумлар, курултойлар ўтказади.

Касаба уюшмалари ўз уставларида белгиланган мақсадларга ва вазифаларга мувофиқ равишда бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, ўз хоҳишига кўра халқаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмаларига ва ташкилотларига кириш ҳуқуқига эгадир (Қонуннинг 3-моддаси).

Касаба уюшмалари қонунда белгиланган яна қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш;

музокаралар олиб бориш ва жамоат шартномалари, битимларини тузиш;

меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш;

меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиш;

меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш;

меҳнат ва ижтимоий иқтисодий ривожланиш масалаларига доир маълумотлар олиш;

маъмурият томонидан жамоа шартномасини бажарилишини назорат қилиш;

маъмурият ва меҳнат жамоаси ўртасидаги низоларни қараб чиқиш ва ҳал этишда иштирок этиш;

давлатлараро битимлар тузилиши ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви идоралари шакллантирилишида иштирок этиш.

Маъмурият, давлат ва хўжалик идоралари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахслар касаба уюшмаларига нисбатан бир қанча мажбуриятларга эга. Улар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этишлари, эркин фаолият кўрсатишларига кўмаклашишлари шарт. Бу идоралар ва шахслар касаба уюшмалари ҳуқуқларини бузганликлари ёки уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганликлари учун қонунларда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Давлат ва хўжалик идораларининг маъмурияти жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар, касаба уюшмаларининг вакиллари шу касаба уюшмаси аъзолари ишлаётган корхоналарга уставда белгиланган вазифаларни ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун киришларига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас. Касаба уюшмалари ва уларнинг идоралари, қонунга мувофиқ, юридик шахс ҳисобланадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, касаба уюшмаси кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий

ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган ходимларни бирлаштирадиган жамоат ташкилоти ҳисобланади.

1.2. Ўзбекистон Республикасида қасаба уюшмаларига оид қонун ҳужжатларининг ривожланиши

Мустақиллик даври Ўзбекистон қасаба уюшмалари ҳаракатида янги босқич бўлди. Бу йўналишда муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими шакллантирилиб, унинг миллий модели яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун¹ қасаба уюшмасининг тушунчаси, унинг ҳуқуқлари ва ваколатларини, қасаба уюшмаларининг давлат органлари ва бошқа идоралар билан ўзаро алоқаларини ҳамда ҳамкорлик йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасида қасаба уюшмаларига оид қонун ҳужжатларининг ривожланиш босқичлари авваламбор мамлакатимиз Конституцияси билан белгиланилади. Конституциямизнинг 34-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар². Ушбу модда билан Конституциямиз фуқароларнинг қасаба уюшмаларига бирлашишининг конституциявий асосларини белгилаб берди.

Шунингдек, Конституциянинг 56-моддасида Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилиши белгиланган³.

¹“Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 20-модда.

²Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 176-модда.

³Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 176-модда.

Конституциянинг ушбу моддаси инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқиб белгиланган. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 20-моддасига кўра “Ҳар бир инсон тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқига эга”¹, 23-модда 4-қисмига кўра “Ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга”². 1966 йил 19 декабрда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 22-моддасига кўра “Ҳар бир инсон бошқалар билан ассоциациялар тузиш, жумладан касаба уюшмалар ташкил этиш эркинлиги ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун шундай уюшмаларга кириш ҳуқуқига эга”³. “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуннинг муқаддима қисмида таъкидланганидек, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланиб, бу қонунда фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш эркинлиги уларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида мустаҳкамлаб қўйилган⁴.

1966 йилги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пактнинг 22-моддаси, 1-қисмига кўра, ҳар бир инсон бошқалар билан уюшиш эркинлиги ҳуқуқига, жумладан, касаба уюшмаларини тузиш ва унинг фаолиятларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси”га биноан ҳеч ким бирон бир уюшмага ёки бирлашмага киришга мажбур қилиниши мумкин эмас. Мамлакатимизда жамоат бирлашмаларнинг фаолият эркинлиги, фаолияти кафолатлари тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий актлар халқаро ҳуқуқнинг норма ва принципларига мувофиқ қабул қилинди⁵.

Касаба уюшмаларининг асосий мақсади Конституциямизнинг 59-моддасида аниқ берилган бўлиб, унга мувофиқ касаба уюшмалари

¹Тахиров Ф., Сафаров Ж.И., Астанов И.Р. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига шарҳлар. - Маъсул муҳаррир: Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор Рустамбоев М.Х. - Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 70.

²Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // 1948 йил 10 декабрь

³Инсон ҳуқуқлари: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси. Бобоев Ҳ.Б. ва бошқалар.;-Тошкент: Ўзбекистон, 1997., - Б. 187-233.

⁴Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2014 й., 50-сон, 588-модда

⁵“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пак. 1966 й. // www.википедия.ру

ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этади ҳамда ҳимоя қилади. Касаба уюшмаси ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийлигининг конституциявий асоси ҳам айнан шу моддада келтирилган. Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун¹ махсус қонун ҳисобланиб, унда касаба уюшмалари тушунчаси, фуқароларнинг касаба уюшмаларига уюшиш ҳуқуқи, касаба уюшмаларининг мустақиллиги, касаба уюшмалари фаолиятини тўхтатиш ёки тақиқлаш, касаба уюшмаларининг асосий ҳуқуқлари, касаба уюшмалари ҳуқуқларининг кафолатлари, маъмурият, давлат ва хўжалик идоралари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг касаба уюшмаларига нисбатан мажбурияти, касаба уюшмалари ва уларга қарашли корхоналарнинг мулкӣ ва молиявий ҳуқуқлари ҳамда бошқа масалалар ўз ечимини топган.

Касаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат бошқарув идораларидан, хўжалик идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақилдирлар, улар олдида ҳисобдор эмаслар ва улар томонидан назорат қилинмайдилар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини чеклайдиган ёки шу ҳуқуқларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган тарздаги ҳар қандай аралашув ман этилади. Мазкур кафолатларнинг яратилиши касаба уюшмаларининг Меҳнат кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида келтирилган меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазифаларини тўлиқ бажарилишига олиб келади.

Касаба уюшмалари мустақил равишда ўз уставларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, уюшма тузилишини белгилайдилар, раҳбар идораларини сайлайдилар, ўз фаолиятларини ташкил этадилар, йиғилишлар, конференциялар, пленумлар, қурултойлар ўтказадилар.

¹“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 20-модда.

Касаба уюшмалари ўз уставларида белгиланган мақсадларга ва вазифаларга мувофиқ равишда бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, ўз хоҳишига кўра халқаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмаларига ва ташкилотларига кириш ҳуқуқига эгадирлар.

“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси фуқароларни касаба уюшмаларига мансублигига қараб камситишни тақиқлайди. Хусусан, фуқароларнинг касаба уюшмаларига мансублиги ёки мансуб эмаслиги уларнинг қонунларда кафолат берилган меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари бирон бир тарзда камситилишига сабаб бўлмайди. Меҳнаткашларни ишга қабул қилиш, хизмат поғоналарига кўтариш, шунингдек ишдан бўшатиш учун муайян касаба уюшмасига мансубликни, унга кириш ёки ундан чиқишни шарт қилиб қўйиш тақиқланади.

Мазкур қонуннинг 5-моддасида касаба уюшмалари фаолиятини тўхтатиш унинг аъзолари қарори асосида уставда белгиланган тартибда амалга оширилиши белгиланган. Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлган ҳолларда бу фаолият Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан тақиқланиши мумкин. Касаба уюшмалари фаолиятини бошқа бирон бир идоранинг қарори билан тақиқлашга йўл қўйилмайди.

Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонунлар мазкур жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий ҳолати асосларини белгилаб берадиган “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларида, ички ишлар идораларида, миллий хавфсизлик хизматларида, ички қўшинлари ва бошқа ҳарбий тузилмаларида қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари ана шу тузилмалар тўғрисидаги қонунларда белгилаб берилади.

Қорақалпоғистон Республикасида касаба уюшмаларини тузиш, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

Касаба уюшмаларининг фаолиятини вужудга келтириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг¹ ўрни ва роли бекиёсдир. Сабаби, мазкур Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ташкил этиш тартиблари ва фаолиятининг асослари белгиланган.

Юртимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтириш учун, улар фаолиятига бериладиган кафолатлар тўғрисидаги қонун ҳужжати ва ҳуқуқий механизмни яратиш давр талабига айланиб қолди. Шу боис, миллий қонунчилигимизнинг ҳуқуқий базаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун билан бойитилди².

Ушбу Қонуннинг мақсади нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кафолатлар бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Шунингдек, касаба уюшмаларининг фаолиятини тартибга солишга қаратилган асосий қонунлардан бири бу Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексидир³.

Меҳнат кодексида касаба уюшмаларининг биргина жамоа шартномалари ва келишувларни тузиш юзасидан ваколатлари бевосита Меҳнат кодексининг асосий нормаларидан бири ҳисобланади.

¹Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 588-модда.

²Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // 2007 йил 3 январь, ЎРҚ-76-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 51-сон, 500-модда.

³Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда.

Жамоа-меҳнат муносабатлари, қоидага кўра жамоа шартномалари ва жамоа келишувлари юзасидан иш берувчи ва ходимларнинг вакиллари ўртасида вужудга келадиган муносабатлар ҳисобланади. Уларни яна меҳнат соҳасида “Ижтимоий шерикчилик” муносабатлари деб аташади. Ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шерикчилик корхонани биргаликда бошқариш, унинг ривожланиши ва самарадорлигини юксалтиришга қаратилган иқтисодий тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, корхона ходимлари моддий-турмуш шароитларини яхшилаш уларни ва оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан биргаликда чора-тадбирлар кўриш, корхонани бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган локал меъёрий ҳужжатлар тизимини такомиллаштириб бориш, иш жараёнида ходимлар ҳаёти ва саломатлигини ҳимоялаш, каби авфзалликлари юз беришининг олдини олиш мақсадларига қаратилиши мумкин. Ишлаб чиқаришдаги ижтимоий шерикчиликининг натижаларидан ходимлар ҳам, иш берувчи ҳам тўла манфаатдор бўлиши бундай шерикчилик алоқаларини давом эттиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва бош мотиви саналади. Жамоа шартномаси ва жамоа келишуви ходимлар ва иш берувчилар ижтимоий ҳамкорлиги ва шерикчилигининг асосий шакли саналади.

Жамоа шартномаси ходимлар ҳамда иш берувчиларнинг ижтимоий шерикчилиги йўли билан корхоналардаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш воситаси сифатида бир томондан, корхонани идора қилишдаги иш берувчи автономлигини, иккинчидан эса, ходимлар жамоасининг ҳам корхонани бошқаришда иштирок эта олиш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини англатади. Ҳозирги кунда жамоа шартномаси локал-ҳуқуқий акт, корхона даражасида меҳнага оид муносабатларни тартибга солувчи “ўзига ҳос кодекс” тусини олиб бормоқда.

Жамоа шартномаси ҳуқуқ ижодкорлиги кўринишларидан бири сифатида локал-норматив йўл билан меҳнат шароитларини ўрнатиш вазифасини бажаради.

Меҳнат кодексининг 29-моддасига кўра, жамоа шартномаси – корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив

хужжатдир¹. Жамоа келишуви – муайян касб, тармоқ, ҳудуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига оловчи норматив ҳужжатдир. Жамоа шартномалари ва келишувлари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади. Жамоа шартномалари ва жамоа келишувларини тузиш ва қабул қилиш ҳақида нормалар амалдаги Меҳнат кодексида бир хил эканлигини инобатга олган ҳолда уларни шартномавий актлар” иборасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз².

Жамоа шартномавий актларни тузиш ва қабул қилишда касаба уюшмаларнинг фаолиятини таҳлил этарканмиз, биринчи ўринда Меҳнат кодексининг 31-моддасида³ жамоа шартномасини тузиш ташаббуси билан чиқадиган субъектлар ҳақида сўз юритиш керак, деб ҳисоблаймиз. Мазкур моддага кўра, ҳар қайси тараф жамоа шартномаси, келишувини тузиш ва ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш ташаббуси билан чиқишга ҳақлидир. Касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўзларини вакил қилган ходимлар номидан музокаралар олиб бориш, жамоа шартномасига, келишувига ўзларини вакил қилган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи иловалар таклиф этиш ва уларни имзолашга ҳақлидир. “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида эса⁴, касаба уюшмалари маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси билан жамоа музокаралари олиб боришда ва жамоа шартномалари, битимлари тузишда устувор ҳуқуққа эгадирлар. Агар касаба уюшмалари жамоа шартномаси, битими, тузишни таклиф қилса, маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси бу ҳақда музокаралар олиб бориши шарт. Ушбу иккита

¹Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда.

²Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент: ТДЮИ. 2011. – Б.61.

³Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда.

⁴“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 20-модда.

моддани мазмунини солиштирганда ўзаро келишмовчиликни аниқласа бўлади.

Яъни, Меҳнат кодекси жамоа шартномавий актларни тузиш ва музокараларга кириш ташаббусини кўрсатишда касаба уюшмаларига устуворлик бермаса, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда ушбу устуворлик касаба уюшмаларига берилганлигини кўрамиз. Мазкур ҳолат, бизнинг фикримизча, иш берувчига нисбатан камситиш деб ҳисобланиши керак ва тегишли ўзгартириш киритиш орқали бартараф этилиши мақсадга мувофиқ¹.

Жамоа шартномасида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини тарафларнинг вакиллари, меҳнат жамоаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг тегишли органлари текшириб борадилар. Жамоа шартномасини имзолаган шахслар ҳар йили ёки шартноманинг ўзида махсус кўрсатилган муддатларда мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида меҳнат жамоасининг умумий мажлисида (конференциясида) ҳисобот бериб турадилар. Текшириш олиб бориш вақтида тарафлар ўзларидаги бунинг учун зарур бўлган барча маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Ушбу нормаларни амалиётга татбиқ этиши билан боғлиқ Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятида улкан натижаларга эришилмоқда. Бугунги кунда жамоа – шартномавий норматив актлар ходимларнинг ҳуқуқларини, моддий ва ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш воситасига айланиб бормоқда.

Мазкур жараёнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув муҳим аҳамиятга эга².

Таъкидлаш зарурки, 2014-2016 йиллар учун тузилган Бош келишувга иш ҳақи ўз вақтида тўланиши, энг кам иш ҳақи Ягона тариф сеткасининг

¹Саттарова Г.Д. “Социальное партнерство в форме коллективно-договорного регулирования трудовых отношений в Республике Узбекистан”. Монография. Т.ТДЮИ. 2010. 107 б.

²Саттарова Г.Д. Меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикчилик ва унинг ҳуқуқий муаммолари. Тошкент, ТДЮИ.: 2010.- Ўқув услубий мажмуа.-32 б.

биринчи разряди ставкасидан кам бўлмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш масалалари киритилган. Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш, меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларининг шаҳодатдан ўтказилиши, маънавий-маърифий ва спорт ишлари, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган¹.

Шунингдек, аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолат ва имтиёзлар бериш, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Конвенцияларига риоя этиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштирилишини ва иш жойларида кўнимлилигини алоҳида назоратга олиш каби вазифалар ўрин олган.

Бош келишувнинг бажарилиши давлат органлари, касаба уюшмалари ва иш берувчилар вакилларида тузилган учтомонлама комиссия томонидан назорат қилиб борилмоқда. Бош келишув асосида касаба уюшмалари давлат органлари ва иш берувчилар билан жамоа музокараларини олиб бориб, корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар учун қатор имтиёз ва кафолатларни ўз ичига олган жамоа келишувлари ва шартномалари қабул қилинишига эришмоқдалар.

Айни чоғда Федерация кенгаши эксперт комиссияси томонидан тармоқ ва ҳудудий келишувлар лойиҳаларини экспертиза қилиш йўналишида муайян натижалар қўлга киритилди. Хусусан, бошланғич ташкилотлар иштирокида имзоланаётган жамоа шартномалари сифати ошди. Натижада 91 мингдан ортиқ жамоа шартномаси орқали 4 миллиондан зиёд ходим манфаати таъминланди. “Олмалик кон-металлургия комбинати”, “Максам-Чирчик”, “Жомбой дон” ва “Хоразм шакар” корхоналари, Тошкент шаҳар 1-болалар клиник шифохонаси, Ёйдувон тумани тиббиёт бирлашмаси, “Андижон ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти каби корхона, ташкилот ва муассасалар фаолияти бунинг яққол мисолидир².

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йиллар учун Бош келишув. 2013 йил 25 декабрь.

²Сапажонов Б. Касаба уюшмаларини фаолиятини тартибга солиш: халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик // Битирув малакавий иш. Тошкент: 2014 й., - Б. 45.

Яна ҳам эътиборлиси, 2015 йилда жамоа шартномаси ва келишувлари орқали 9889 нафар фуқаро ҳамда 42900 та оилага 17 миллиард 291 миллион сўмдан зиёд ижтимоий кўмак берилди. Корхона ва ташкилотларда “Устоз–шогирд” анъаналари асосида амалиёт ўтаётган ва энди иш бошлаган касб-хунар коллежлари ўқувчи ҳамда битирувчиларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш ишлари изчил давом эттирилди¹.

Хусусан, 16 минг 544 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари ва коллежларни имтиёзли диплом билан тамомлаган 1285 нафар битирувчига касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 248 миллион 616 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди².

Эътироф этилганидек, бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ходимлар меҳнатини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти сезиларли даражада кучайди.

Шунингдек, Фуқаролик кодекси³, Фуқаролик процессуал кодекслари⁴ касаба уюшмаларининг фаолият кўрсатишининг моддий ва процессуал ҳуқуқ манбалари ҳисобланади.

“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида касаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат бошқарув идораларидан, хўжалик идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақилдирлар, улар олдида ҳисобдор эмаслар ва улар томонидан назорат қилинмайдилар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно эканлиги белгиланган. Мазкур нормадан касаба уюмалари фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланиши мумкинлиги ва шу орқали назорат амалга оширилиши мумкинлигини тушуниш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–405-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва

¹Сапажонов Б. Касаба уюшмаларини фаолиятини тартибга солиш: халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик // Битирув малакавий иш. Тошкент: 2014 й., - Б. 47.

²www.kasaba.uz

³Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 222-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда.

⁴Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 222-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда; 33-сон, 439-модда.

қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги 763-І-сонли Қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунинг 3-моддасидаги “мустасно” дейилган нормага ойдинлик киритилиб, унга кўра:

Нодавлат нотижорат ташкилоти:

қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларига риоя этиши;

ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиши, шу жумладан молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаши;

рўйхатдан ўтказувчи орган билан тадбирлар ўтказишни келишиб олиши (сиёсий партиялар бундан мустасно) ва унинг вакилига ўтказилаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериши;

нодавлат нотижорат ташкилоти вакиллариининг чет мамлакатларга нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ ташрифлари уюштирилиши ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилиши;

чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиб олиши;

рўйхатдан ўтказувчи органга, давлат солиқ хизмати органларига ва давлат статистикаси органларига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиши шарт¹.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан ташқари, қасаба уюшмаларининг фаолиятига аралашиш юқорида назарда тутилган қонунлар талабларини бузиш ҳисобланади.

Мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қараганда, умумий характерга эга бўлади. Шу сабаб, қасаба уюшмаларига

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–405-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 17-сон, 173-модда

оид қонунчиликнинг ҳаётга татбиқ этилишида ижро ҳокимиятини амалга оширувчи Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эга.

II БОБ. МАМЛАКАТИМИЗДА КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Касаба уюшмаларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва фаолиятига доир конституциявий нормалар таҳлили

“Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуннинг муқаддимасида Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Умумжаҳон декларацияга ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб, фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш эркинлиги уларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида мустаҳкамлаб қўйилган¹.

Шунингдек, мазкур Қонунда ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмаси эканлиги назарда тутилган.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-кизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади².

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунга асосан, нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир. Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний

¹Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни // 1991 йил 15 февраль, 223-ХП-сон. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2014 й., 50-сон, 588-модда

²Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни // 1991 йил 15 февраль, 223-ХП-сон. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2014 й., 50-сон, 588-модда

ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти юридик шахс бўлади. Нодавлат нотижорат ташкилоти, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади¹.

“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда касаба уюшмаси кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштириши белгиланган².

Касаба уюшмаларининг уставлари “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда рўйхатга олинади. Барча касаба уюшмалари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар³.

Конституциянинг 59-моддасида, касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрий эканлиги белгиланган⁴.

Бугунги кунда касаба уюшмаларининг ҳимоя функциялари асосан ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя, бандлик, иш ҳақи, меҳнат муҳофазаси каби йўналишларда амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда ходимларни соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт ишлари, улар

¹Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 588-модда.

²“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 20-модда.

³“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 20-модда.

⁴Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 176-модда.

маънавиятини юксалтириш, касбий тайёргарлик йўналишларида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Таъкидлаш зарурки, касаба уюшмаларининг ҳимоя функцияси ижтимоий шериклик механизмларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик – бу бозор иқтисодиётигагина хос бўлган ҳамда давлат, иш берувчилар ва ишчилар манфаатлари мутаносиблигини таъминлашга имкон берувчи ижтимоий меҳнат муносабатларининг алоҳида тизимидир.

Ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган саъий-ҳаракатлар, инсон манфаатларига йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар Конституциянинг юқорида келтирилган нормасини рўёбга чиқариш имкониятини очиб беради.

Конституциямизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳар томонлама кафолатланганлиги эътироф этилди. Бунини мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш йўналишларидаги тизимли ишлар ҳам намоён этмоқда. Муҳими, ислохотлар негизидан энг аввало инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатлари устуворлиги ўрин эгаллаган.

“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун касаба уюшмаларининг мустақиллигининг ҳуқуқий асосини белгилаб беради. Унга кўра, касаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат бошқарув идораларидан, хўжалик идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақилдирлар, улар олдида ҳисобдор эмаслар ва улар томонидан назорат қилинмайдилар.

Касаба уюшмалари ўз уставларида белгиланган мақсадларга ва вазифаларга мувофиқ равишда бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, ўз хоҳишига кўра халқаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмаларига ва ташкилотларига кириш ҳуқуқига эгадирлар¹.

¹“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 20-модда.

Касаба уюшмалари фаолиятини тўхтатиш унинг аъзолари қарори асосида уставда белгиланган тартибда амалга оширилади. Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлган ҳолларда бу фаолият Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан тақиқланиши мумкин. Касаба уюшмалари фаолиятини бошқа бирон бир идоранинг қарори билан тақиқлашга йўл қўйилмайди.

Мазкур Қонуннинг 7-моддасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқлари белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат бошқаруви, хўжалик ва кооператив идораларига тақдим этишга ҳақлидир.

Давлат бошқаруви ва хўжалик идоралари меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига дахлдор меъёрий ҳужжатларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашини камида бир ҳафта олдин хабардор этган ҳолда қабул қиладилар.

Мазкур норманинг амалдаги ифодаси сифатида бугунги кунда давлат бошқаруви ва хўжалик идоралари меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига дахлдор меъёрий ҳужжатларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишган ҳолда қабул қилиш амалиёти қонунчилигимиздан жой олган.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 16-бандига асосан, агар меъёрий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлса, мазкур Низомнинг талабларига

жавоб бермаса, ёхуд манфаатдор органлар билан келишиш мажбурий ҳисобланганда бундай органлар билан келишилмаган бўлса, меъёрий ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш рад этилиши мумкин¹.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) 67-бандига асосан, қонун ҳужжатларига мувофиқ келишилиши мажбурий бўлган ҳолларда, шунингдек идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида бошқа вазирлик ва идоралар манфаатларига ёки ваколатларига дахл қилувчи нормалар мавжуд бўлса, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилиши лозим².

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги ПҚ–2302-сон қарори билан тасдиқланган “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан бирга ишлаб чиқиш топширилган³.

Мазкур лойиҳани ишлаб чиқишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг иштирокини “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқларини, яъни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон

²Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мх-сонли “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 110-модда, 21-сон, 253-модда, 52(1)-сон, 654-модда

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги ПҚ–2302-сон “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 8-сон, 91-модда

ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқига эга эканлигини амалий ифодаси сифатида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сонли “Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида”ги қарори билан ишлаб чиқаришда меҳнатнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш учун “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига ҳамда бозор қайта ўзгартиришлари шарт-шароитларига жавоб берадиган меъёрий базани яратиш, шу асосда мулкчиликнинг барча шакллари ва ишлаб чиқариш усулларидаги корхоналарда ишловчи ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби белгиланган¹.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибининг 22-бандида тайёрланган қоидалар ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ҳамда бошқа органлар билан келишилиши топширилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан Меҳнатнинг янги техник ва технологик шартларига, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгартиришларга мувофиқ қайта ишланган Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастури тасдиқланди ва шу қатори меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлар хавфсизлиги қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилган². Бугунги кунда мазкур қоидаларнинг 70 дан ортиғи қабул

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сонли “Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида”ги қарори.

²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда, 51-сон, 486-модда.

килинган ва Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган. Мазкур ҳужжатлар Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Юқорида келтирилган мисолларнинг барчаси Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг Қонунда белгиланган ҳуқуқларининг амалий ифодаси сифатида кўришимиз мумкин.

“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида касаба уюшмаларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш соҳасидаги ҳуқуқлари белгиланган. Унга кўра, касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этадилар, аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсати ишлаб чиқишида қатнашадилар. Корхоналарда ишдан ҳоли этиб олинадиган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қонунлар асосида жамоа шартномасида белгилаб қўйиладиган чораларини таклиф этадилар. Маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идорасининг ташаббуси билан иш жойларининг қисқартирилиши ёки иш шароитининг ёмонлашувига олиб келадиган корхонани ва ундаги таркибий бўлинмаларни тугатиш, ишлаб чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш тегишли касаба уюшмалари камида уч ой олдин хабардор қилиб қўйилган ва улар билан меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига риоя этиш юзасидан музокара ўтказилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Касаба уюшмалари аҳолини иш билан таъминлашнинг аҳолини ва бу соҳадаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиб боради. Меҳнат шартномаси маъмуриятининг ташаббуси билан бекор қилинишига Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тегишли касаба уюшма кўмитаси билан олдиндан келишилган тақдирдагина йўл қўйилади¹.

Касаба уюшмаларининг республика ва ҳудудий бирлашмалари ўз ваколатлари доирасида меҳнаткашларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш тadbирларини ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини, нарх-наво индекси ўзгаришига қараб товон тўлаш миқдорини аниқлашда қатнашадилар, қонунда белгилаб қўйилган кун кечиришнинг энг

¹“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 20-модда.

паст даражасига ҳамда пенсиялар, стипендиялар ва нафакалар миқдорига риоя этилишини назорат қиладилар¹.

Касаба уюшмаларининг бирлашмалари шу масалалар юзасидан тегишли давлат ва хўжалик идоралари билан битим тузиши мумкин.

“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, маъмурият, давлат ва хўжалик идоралари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг касаба уюшмаларига нисбатан мажбуриятларига эга.

Хусусан, давлат ва хўжалик идораларининг маъмурияти, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этишлари, уларнинг фаолият кўрсатишларига кўмаклашишлари шарт. Бу идоралар ва шахслар касаба уюшмалари ҳуқуқларини бузганликлари ёки уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганликлари учун қонунларда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Давлат ва хўжалик идораларининг маъмурияти жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг вакиллари шу касаба уюшмаси аъзолари ишлаётган корхоналарга уставда белгиланган вазифаларни ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун киришларига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.

2.2. Фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқининг конституциявий-ҳуқуқий асослари

Меҳнаткашларнинг уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи кўпчилик универсал ва минтақавий халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган. Хусусан, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт”нинг 8-моддасида ушбу ҳуқуқни таъминлаш мазкур пакт иштирокчиларининг мажбуриятларидан бири сифатида мустаҳкамланган². Меҳнаткашларнинг уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқларига бағишланган энг

¹“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 20-модда.

²“Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пакт. 1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк // Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 126-1-сонли «1966 йил 16 декабрдаги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиш ҳақида»ги қарорига асосан қўшилган. Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 28 декабрдан кучга кирган.

асосий ва батафсил халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қабул қилинган конвенциялар ҳамда тавсиялардан иборатдир. Меҳнаткашларнинг ушбу ҳуқуқларининг халқаро юридик кафолатлари Халқаро меҳнат ташкилотининг 1948 йилда қабул қилинган “Ассоциацияларга қўшилиш эркинлиги ва ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги¹ 87-сонли ҳамда 1949 йилги “Ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқларини амалга ошириш принципларини қўллаш ва жамоага доир музокаралар олиб бориш ҳақида”ги² 98-сонли Конвенцияларида мустаҳкамланган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 87-сонли Конвенциясида уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи меҳнаткашлар ҳамда тадбиркорларнинг ўз хоҳиш ва танлашларига кўра, олдиндан ҳеч кимдан рухсат олмаган ҳолда ташкилотлар (иттифок, ассоциация, уюшма) тузиш, ана шундай ташкилотларга кириш ҳуқуқи сифатида талқин этилади. Ходимлар ва иш берувчиларнинг бундай ташкилотлари ўз устав (низом)ларини қабул қилиши, вакиллари эркин сайлаши, ўз бошқарув аппаратини ташкил қилиши, дастурлар ишлаб чиқиши мумкин. Бундай уюшмалар маъмурий тартибда тарқатиб юборилиши, улар фаолияти вақтинча тўхтатиб турилиши мумкин эмас³.

Меҳнаткашлар ва тадбиркорларга уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи кафолатланиши юзасидан мажбуриятлар 87-сонли Конвенция билан давлатлар зиммасига юклатилган. Бу ҳуқуқлар шунингдек 98-сонли Конвенцияда кўзда тутилган қўшимча кафолатлар билан ҳам таъминлаб

¹Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ассоциацияларга қўшилиш эркинлиги ва ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сон Конвенцияси. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари: қисқача мазмуни, импелементация, қасаба уюшмалари томонидан қўллаш амалиёти. /Нарбаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, 2012 йил., - Б. 17.

²Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқларини амалга ошириш принципларини қўллаш ва жамоага доир музокаралар олиб бориш ҳақида”ги 98-сон Конвенцияси. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари: қисқача мазмуни, импелементация, қасаба уюшмалари томонидан қўллаш амалиёти. / Нарбаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, 2012 йил., - Б. 43.

³Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ассоциацияларга қўшилиш эркинлиги ва ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сон Конвенцияси. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари: қисқача мазмуни, импелементация, қасаба уюшмалари томонидан қўллаш амалиёти. / Т.К.Нарбаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, 2012 йил., - Б. 17.

кўйилган. 98-сонли конвенция меҳнаткашларнинг уюшмаларга бирлашишида ҳар қандай камситишни қатъиян таъқиқлайди¹. Шунингдек, конвенцияда меҳнаткашлар уюшмасининг иш берувчилар уюшмаси ишларига, иш берувчиларни эса ходимлар уюшмаси ишларига аралашishiга йўл қўймайдиган, бундай инсофсиз хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қиладиган ҳуқуқий ҳимояланиш чоралари билан таъминланишлари зарурлиги, иш берувчи назорати остида бўлган сохта касаба уюшмалари тузилишига самарали қарши курашиш воситалари тутилиши лозимлигини белгилайди.

Юқорида кўриб чиқилган ва уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига оид бўлган қоидалар универсал хусусиятга эга бўлиб, баъзи истиснолардан ташқари (армия, полиция, хавфсизлик органларидан ташқари) меҳнаткашларнинг барча тоифаларига (ёлланиб ишловчи, аъзо сифатида ишловчи, эркин меҳнат қилувчи ва бошқалар) тааллуқлидир.

1949 йил 1 июлдаги “Касаба уюшмаларига бирлашиш ва жамоа музокараларини юритиш ҳуқуқи принципларини қўлланиш тўғрисида”ги конвенция касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқининг асосини ташкил қилади².

Кўриб чиқилган конвенциялардан ташқари, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қишлоқ хўжалиги ва давлат хизмати соҳасида меҳнаткашларнинг уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқларига оид бўлган 151-сонли Конвенция ҳам қабул қилинганлигини эътироф этиш жоиз³.

Мамлакатимизда барча касаба уюшмалари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Касаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат бошқарув

¹Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқларини амалга ошириш принципларини қўллаш ва жамоага доир музокаралар олиб бориш ҳақида”ги 98-сон Конвенцияси. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари: қисқача мазмуни, импелементация, касаба уюшмалари томонидан қўллаш амалиёти. / Т.К.Нарбаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, 2012 йил., - Б. 43.

²“Касаба уюшмаларига бирлашиш ва жамоа музокараларини юритиш ҳуқуқи принципларини қўлланиш тўғрисида”ги Конвенция. 1949 йил 1 июль, Женева. (1992 йил 13 июлдан кучга кирган) Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 496-I-сонли «Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи принципларини қўлланиш тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш ҳақида»ги Қарори билан ратификация қилинган.

³Халқаро меҳнат ташкилотининг “қишлоқ хўжалиги ва давлат хизмати соҳасида меҳнаткашларнинг уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқлари тўғрисида”ги 151-сон Конвенцияси. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари: қисқача мазмуни, импелементация, касаба уюшмалари томонидан қўллаш амалиёти. / Нарбаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, 2012 йил., - Б. 71.

идораларидан, хўжалик идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақилдирлар, улар олдида ҳисобдор эмаслар ва улар томонидан назорат қилинмайдилар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини чеклайдиган ёки шу ҳуқуқларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган тарздаги ҳар қандай аралашув ман этилади.

Фуқароларнинг касаба уюшмаларига мансублиги ёки мансуб эмаслиги уларнинг қонунларда кафолат берилган меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари бирон бир тарзда камситилишига сабаб бўлмайди. Меҳнаткашларни ишга қабул қилиш, хизмат поғоналарига кўтариш, шунингдек ишдан бўшатиш учун муайян касаба уюшмасига мансубликни, унга кириш ёки ундан чиқишни шарт қилиб қўйиш тақиқланади.

Касаба уюшмалари ва улар бирлашмаларининг меҳнат аҳли учун муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда миллий қонунчилигимизда уларнинг фаолиятини тўхтатишнинг қатъий тартиб-таомили кўзда тутилган. Унга кўра, касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлган ҳолларда бу фаолият Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан тақиқланиши мумкин. Касаба уюшмалари фаолиятини бошқа бирон бир идоранинг қарори билан тақиқлашга йўл қўйилмайди.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, касаба уюшмалари ўз фаолиятида жуда ранг-баранг ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлиб, уларни мазмунан қуйидагича гуруҳлаш орқали таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ¹:

1) Қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш соҳасидаги ҳуқуқлари:

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишда катнашиш ҳуқуқига эга;

¹«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 20-модда.

- Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат бошқаруви, хўжалик ва кооператив идораларига тақдим этишга ҳақли;

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши давлат бошқаруви ва хўжалик идораларининг меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига дахлдор меъёрий ҳужжатларни қабул қилишдан камида бир ҳафта олдин уларни хабардор қилиши шартлигини талаб қилиш ҳуқуқи.

2) Меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш соҳасидаги ҳуқуқлари:

- ўз аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этадилар;
- аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсати ишлаб чиқилишида катнашадилар;

- корхоналарда ишдан холи этиб олинадиган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қонунлар асосида жамоа шартномасида белгилаб кўйиладиган чораларини таклиф этадилар;

- аҳолини иш билан таъминлашнинг аҳолини ва бу соҳадаги қонунларга риоя этилишини назорат қиладилар;

- меҳнат шартномаси маъмуриятининг ташаббуси билан бекор қилинаётганда Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя этилаётганлигини текширади ҳамда ўз розилигини билдиради ёки рад этади.

3) Музокаралар олиб бориш ва жамоат шартномалари, битимларини тузиш борасидаги ҳуқуқлари:

- маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси билан жамоа музокаралари олиб боришда ва жамоа шартномалари, битимлари тузишда устувор ҳуқуққа эга;

- касаба уюшмалари жамоа шартномаси, битими тузиш ҳақида музокаралар олиб боришни талаб қилиш ҳуқуқи.

4) Меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари:

- касаба уюшмаларининг республика ва ҳудудий бирлашмалари меҳнаткашларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш

тадбирларини ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини, нарх-наво индекси ўзгаришига қараб товон тўлаш миқдорини аниқлашда қатнашадилар;

- қонунда белгилаб қўйилган кун кечиришнинг энг паст даражасига ҳамда пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорига риоя этилишини назорат қиладилар;

- касаба уюшмаларининг бирлашмалари юқоридаги масалалар юзасидан тегишли давлат ва хўжалик идоралари билан битим тузишлари мумкин.

5) Меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари:

- маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этишларини назорат қилиб боради;

- аниқланган камчиликларни бартараф этишни талаб қилишга ҳақли;

- касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

6) Меҳнат низоларини кўриб чиқишга оид ҳуқуқлари:

- касаба уюшмаси аъзоси билан маъмурият ўртасида пайдо бўлган якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан қонунга мувофиқ тегишли қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга;

- меҳнатга доир амалдаги қонунларнинг жамоа шартномаси, битими шартларининг бузилиши, меҳнат ва турмушнинг янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини белгилаш ёки мавжуд шарт-шароитларини ўзгартириш билан боғлиқ масалаларга доир жамоа меҳнат низоларини кўриб чиқишда қатнашишга ҳақли.

7) Меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларига доир маълумотлар олиш борасидаги ҳуқуқлари:

- маъмуриятдан, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви идораларидан меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгилаб қўйилган статистика ҳисоботи доирасида бепул маълумотлар олиш ҳуқуқи.

8) Касаба уюшмаларининг маъмурият томонидан жамоа шартномаси бажарилишини назорат қилиш ҳуқуқи:

- маъмурият жамоа шартномаси шартларини бузувчи қарор қабул қилган тақдирда касаба уюшмалари ана шу қоидабузарликни бартараф этиш тўғрисида маъмуриятга тақдимнома киритишга ҳақли.

Юқорида келтирилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, Конституциянинг 34-моддасида назарда тутилган Ўзбекистонда фуқаролар касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқига эга эканликлари ва ушбу конституциявий ҳуқуқ фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳисобланиб, улар жорий қонунларда янада батафсил ифодасини топганлигини гувоҳи бўлдик.

III БОБ. КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАҚОМИНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

3.1. Касаба уюшмаларининг ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи халқаро ҳужжатлар таҳлили

Меҳнаткашларнинг уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи кўпчилик универсал ва минтақавий халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган.

“Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 22-моддаси, 4-бандида “Ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга”, деб кўрсатилади.

“Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт“нинг 8-моддасида эса: “Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар қуйдагиларни таъминлаш мажбуриятини оладилар:

а) ҳар бир инсоннинг ўз иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоялаш учун касаба уюшмалари ташкил этиш ва ўз ихтиёри билан ана шу уюшмаларга кириш ҳуқуқи. Бунинг учун тегишли ташкилот қоидаларга риоя қилиши шарт. Кўрсатиб ўтилган ҳуқукдан фойдаланишга ҳеч бир чеклаш қўйилмайди, қонунда кўзда тутилган ва демократик жамиятда давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартиби манфаатлари йўлидаги ёки бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишдаги ҳуқуқлар бундан мустасно;

б) Касаба уюшмаларининг миллий федерацияси ёки конфедерация тузиш ҳуқуқи ва миллий федерация, конфедерациянинг халқаро касаба уюшмалари тузиш ҳуқуқи ёки шундай федерацияларга бирлашиш ҳуқуқи;

в) Касаба уюшмаларининг ҳеч бир тўсиқсиз, чеклашларсиз фаолият юритиш ҳуқуқи, қонунда кўзда тутилган ва демократик жамиятда давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартиби манфаатлари ёки бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш учун зарур бўлган ҳуқуқлар бундан мустасно.

Пактга қўшилган давлатлар касаба уюшмалари эркинлиги ва ташкилотлар тузиш ҳуқуқини чекловчи, кафолатларга зиён етказувчи қонун актлари қабул қилишга ҳақли бўлмайдилар.

Меҳнаткашларнинг уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқларига бағишланган энг асосий ва батафсил халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан қабул қилинган Конвенциялар ва Тавсиялардан иборатдир. Ушбу масалада Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1948 йилда қабул қилинган “Ассоциацияларга қўшилиш эркинлиги ва ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли ҳамда 1949 йилги “Ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқларини амалга ошириш принципларини қўллаш ва жамоага доир музокаралар олиб бориш ҳақида”ги 98-сонли Конвенциялари мавжуд.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 87-сонли конвенциясида уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи меҳнаткашлар ҳамда тадбиркорларнинг ўз хоҳиш ва танлашларига кўра, олдиндан ҳеч кимдан рухсат олмаган ҳолда ташкилотлар (иттифок, ассоциация, уюшма) тузиш, ана шундай ташкилотларга кириш ҳуқуқи сифатида талқин этилади.

Ходимлар ва иш берувчиларнинг бундай ташкилотлари ўз устав (низом)ларини қабул қилиши, вакилларини эркин сайлаши, ўз бошқарув аппаратини ташкил қилиши, дастурлар ишлаб чиқиши мумкин. Бундай уюшмалар маъмурий тартибда тарқатиб юборилиши, улар фаолияти вақтинча тўхтатиб турилиши мумкин эмас.

Меҳнаткашлар ва тадбиркорларга уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи кафолатланиши юзасидан мажбуриятлар ушбу 87-сонли конвенция билан давлатлар зиммасига юклатилган. Бу ҳуқуқлар шунингдек 98-сонли конвенцияда кўзда тутилган қўшимча кафолатлар билан ҳам таъминлаб қўйилган. 98-сонли конвенция меҳнаткашларнинг уюшмаларга бирлашишида ҳар қандай камситишни қатъиян тақиқлайди. Шунингдек конвенцияда меҳнаткашлар уюшмасининг иш берувчилар уюшмаси ишларига, иш берувчиларни эса ходимлар уюшмаси ишларига аралашishiга йўл қўймайдиган, бундай инсофсиз хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қиладиган ҳуқуқий ҳимояланиш чоралари билан таъминланишлари зарурлиги, иш берувчи назорати остида бўлган “чўнтак” касаба уюшмалари тўзилишига самарали қарши курашиш воситалари тутилиши лозимлигини белгилайди.

Юқорида кўриб чиқилган ва уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига оид бўлган қоидалар универсал хусусиятга эга бўлиб, баъзи истиснолардан ташқари (армия, полиция, хавфсизлик органларидан ташқари) меҳнаткашларнинг барча тоифаларига (ёлланиб ишловчи, аъзо сифатида ишловчи, эркин меҳнат қилувчи ва бошқалар) тааллуқлидир. Кўриб чиқилган конвенциялардан ташқари Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан қишлоқ хўжалиги ва давлат хизмати соҳасида меҳнаткашларнинг уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқларига оид бўлган 151-сонли Конвенция қабул қилинган.

Давлат хизматига қабул қилиш пайтида касаба уюшмаларига кирмаслик ёки унинг сафидан чиқиш лозимлиги шартини қўйилиши, шундай уюшма аъзоси эканлиги, унинг фаолиятида қатнашаётганлиги туфайли ишдан бўшатиш тақиқланади.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти аъзоси бўлган давлатлар меҳнаткашларнинг уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқларини ўз миллий қонунчилик актларида мустаҳкамлаб қўйиши, бу ҳуқуқларни реал амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериши лозим бўлади.

3.2. Айрим ривожланган хорижий мамлакатларда касаба уюшмаларининг ҳуқуқий мақомига оид қонун ҳужжатларининг қиёсий таҳлили

Ўтган асрнинг 30-йилларида дунё иқтисодий инқирози пайтида амалда касаба уюшмалари, коммунистик касаба уюшмалари ва ижтимоий-демократик касаба уюшмалари ижтимоий ҳамкорликка бўлган турлича ёндашувларга эга бўлишган¹.

Айниқса, Европа давлатларининг бир қисмида иккинчи жаҳон урушидан кейин ишлаб чиқариш соҳасида янги йўналишларга ўтиш ислохотлари амалга оширила бошланди. Кўпчилик капиталистик давлатларда ушбу жараён бир хил тусда кечар эди.

1929-1933 йиллардаги иқтисодий қийинчиликлар, ривожланган мамлакатларда капиталистларнинг мавқеи кескин сусайиши натижасида касаба уюшмалари фаолияти ривожлана бошлади. Хусусан, 1949 йил октябрь

¹Сатторова. Г Меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикчилик ва унинг ҳуқуқий муаммолари” Т., ТДЮИ.: 2010.- Ўқув услубий мажмуа.- 48 б.

ойидан бошлаб Германияда Немис касаба уюшмалари бирлашмаси ташкил топиши билан касаба уюшмалари ҳаракати тикланди. 1945 йилда Бельгия касаба уюшмалари бирлашиб, Умуммехнат федерацияни ташкил эдилар. Жанубий Европа мамлакатларида (Италия, Греция, Португалия) касаба уюшмалари кучайиб кетди. Испания корхоналарида ишчилар комиссиялари 60-йиллар давомида ривожланиб, ягона Ишчи комиссиялари касаба уюшмалари конфедерациясини ташкил этдилар. Буюк Британияда касаба уюшмалари кўмагида ташкил этилган Лейбористлар партияси иккинчи жаҳон урушидан кейин уч марта (1945-1951 й.й., 1964-1970 й.й., 1974-1979 й.й.) ҳокимият тепасига келди.

Шарқий ва Марказий Европада социалистик мамлакатларнинг пайдо бўлиши, собиқ мустамлака ўлкаларида мустақиллик учун курашнинг авж олиши каби ҳолатлар ҳам бутун дунёда касаба уюшмалари мавқеининг ўсишига сабаб бўлди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ривожланган мамлакатларда сармоядорларнинг мавқеи анча сусайиб, касаба уюшмаларининг роли кучайди. Мехнат муносабатлари тизимида кучлар нисбатининг янгича кўриниши юзага келди ва бу давлатнинг роли ҳам ўзгаришига олиб келди.

Ғарбий Европа ва АҚШда сўл кучлар ва касаба уюшмаларнинг босими остида ижтимоий Қонунчилик ривожланди. Ушбу жараёнлар силсиласида иккинчи жаҳон урушидан кейин “умумий фаровонлик давлати” (Welfare State) мафкураси юзага келди¹. Унинг доирасида давлат таълим тизими, соғлиқни сақлаш, уй-жой билан таъминлашга йўналтирилган дастурлар, шунингдек, ижтимоий таъминот дастурлари ва энг кам иш ҳақини тартибга солиш, сал вақт ўтмасдан демографик, экологик ҳамда миллий маданиятни муҳофаза қилиш каби дастурлар амалга оширила бошланди.

Халқаро Мехнат Ташкилоти асосий Конвенцияларининг халқаро тузилмалар (Бутунжаҳон банки, Халқаро валюта банки, Бутунжаҳон савдо ташкилоти) томонидан эътироф этилиши кузатилди. Трансмиллий

¹“Фаровонлик давлати” назарияси Ғарбий Европа ва АҚШда XX асрнинг 50-йилларида юзага келган иқтисодий юксалиш натижасида пайдо бўлди. Ушбу назариянинг яратувчиларидан бири швед иқтисодчиси ва давлат намоёниси, “Фаровонлик давлатидан ташқарида” номли китобнинг муаллифи Карл Гуннар Мюрдаль (1898-1987 й.й.) ҳисобланади.

корпорацияларнинг бир қанчаси буни тушунди ва мазкур Конвенцияларни ўз хатти-ҳаракатлари кодексига киритди¹.

Маълумки, бутун дунё касба уюшмалари фаолияти асосан ижтимоий мулоқот, яъни ижтимоий шериклик асосида амалга оширилади. Бунда Халқаро Меҳнат ташкилоти амалиётида “ижтимоий диалог” термини ишлатилади ва уни ўзида мужассам этган тавсияларнинг ўрни муҳим саналади.

Халқаро меҳнат ташкилоти “меҳнаткашлар ташкилоти” терминини қўллайди ва жамоа шартномаларининг иштирокчиси деб айнан касба уюшмаларини ҳисоблайдилар. 154-сонли “Жамоа музокараларига қўмаклашиш тўғрисида”ги Конвенциянинг (1981) 2-моддасига асосан, “жамоа шартнома”си термини тадбиркорлар билан, тадбиркорларнинг гуруҳи ёки бири билан, хизмат кўрсатаётган ташкилотларнинг бошқаси билан тузган барча шартномалари тушунилади. 91-сонли “Жамоа шартномалари тўғрисида”ги тавсияга (1951) асосан, хизмат кўрсатаётган корхона жамоа шартномасининг тарафи ҳисобланади. Хизмат кўрсатишнинг бошқа вакиллари керакли ташкилотнинг йўқлигидагина жамоа шартномасини тузишга қўйилади².

Бугун ХМТ ижтимоий диалогни ўзининг стратегик вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Бу ўз навбатида бошқа учта стратегик вазифаларга бевосита таъсир кўрсатади: бандлик, ижтимоий ҳимоя, меҳнат соҳасида фундаментал ҳуқуқ ва тамойилларнинг кенг тарқалиши³.

Замонавий шароитда ижтимоий шериклик кенгроқ қўрилмоқда. Бу эса касба уюшмалари иқтисодий ва молиявий сиёсатини белгилашда иштирок этишини англатади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш нуқтаи назаридан меҳнат соҳасида тенг ҳуқуқлилиқнинг таъминланиши энг аҳамиятли вазифа бўлиб, биринчи навбатда, ходимларнинг ҳаётий манфаатларига дахлдорликдир.

¹Сатторова Г. Меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикчилик ва унинг ҳуқуқий муаммолари” Т., ТДЮИ.: 2010.- Ўқув услубий мажмуа.- 49 б.

²Правовые приоритеты политики в сфере труда.Ж.Меҳнат ва қонун.М.Профизат.2002 й.,№10.72 бет.

³Савин В. маърузусидан. Халқаро семинарлар ҳужжатлари тўплами.Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашриёти.Т.2002 й.136-138 бетлар

Озарбайжонда ходимларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва тенг имкониятлари яратилиши Конституция, Меҳнат кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Жумладан, Озарбайжон Конституциясининг 25-моддасида ирқидан, миллатидан, тилидан, динидан, жинсидан, ижтимоий ва мулкӣ ҳолатидан, эътиқодидан, сиёсий партияларга, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмаларига аъзолигидан қатъий назар, ҳар бир инсонга тенг ҳуқуқлилиқ ва тенг имкониятлар кафолатланиши эълон қилинган.

Агар Меҳнат кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижроси ва меҳнат ҳуқуқларини муҳофазалаш устидан давлат назорати Давлат Меҳнат инспекцияси томонидан амалга оширилса, ходимларнинг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофазалаш бўйича жамоатчилик назорати касаба уюшмалари органлари томонидан амалга оширилади. Ушбу фаолият соҳаси 1994 йил 24 февралда қучга кирган “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.

Касаба уюшмаларининг жамоатчилик назорати жиҳатларидан бири барча ходимлар учун тенг имкониятлар яратиш бўйича ҳуқуқларга риоя қилинишидан иборат. Бундай фаолиятни амалга ошириш шакллари турлича. Бу: қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар яратиш амалиётида иштирок этиш, меҳнат қонунларига риоя этилишини таъминлаш, меҳнат ва саломатликни муҳофазалаш, меҳнат низоларини ҳал қилиш, суд тартибида ходимларнинг даъво аризаларини кўриб чиқилишида қатнашиш ва ҳоказолардан иборат.

Маълумки, меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда, Европа Ижтимоий хартиясида, Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари ва тавсияларида, бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган. Ушбу ҳужжатларда қуйидаги асосий ғоя яққол ифодаланган: тенг ҳуқуқлар ва имкониятларнинг мавжуд бўлмаслиги умуман жамиятга ва иқтисодиётнинг жадал ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

2013-2017 йиллар учун тасдиқланган Озарбайжон Касаба уюшмаларини ривожлантириш Концепциясида қуйидагилар асосий фаолият йўналиши қилиб белгиланган: Мустақил Озарбайжонни ривожлантириш жараёнида юзага келадиган янги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар касаба уюшмаларидан ташкилий-оммавий ишларнинг такомиллаштирилишини мунтазам равишда талаб қилади, ёлланма ходимлар меҳнат манфаатларининг касаба уюшмаси томонидан ҳимояланиши жуда ҳам зарурлигини қайд этади.

Касаба уюшмалари ушбу ишни изчил ва самарали ташкил қилиш учун, биринчи навбатда, фуқаролик жамиятида ўз мақомларини мустаҳкамлашлари, иш берувчилар ташкилотларида ўз обрў-эътиборларини оширишлари керак.

Сўнгги 10 йил мобайнида Озарбайжонда касаба уюшмаларининг аъзолик сафлари барқарор, улар аниқ оптимал структурага эга.

Узоқ вақт мобайнида яратилган, меҳнат муносабатларини ва унинг Конфедерация, тармоқ касаба уюшмалари амалий ишида қўлланилишини қатъий белгилайдиган меъёрий-ҳуқуқий база иқтисодиёти ва ривожланиш даражаси турлича бўлган мамлакатларда мавжуд ижтимоий шериклик институти – Озарбайжон учун ёлланма ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг мақбул шакли сифатида юзага келди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 98-сонли Конвенциясига асосланиб, ёлланма ходимлар ва иш берувчилар ташкилотлари вакиллари ижроия ҳокимият билан биргаликда вақтинчалик ёки доимий қўшма кенгашларни ёки комиссияларни ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қиладилар. Бундай мисол Озарбайжонда ҳам мавжуд. Озарбайжонда ёлланма ходимларнинг меҳнатини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ягона республика органини ташкил қилиш борасида узоқ йиллар мобайнида иш олиб борилган. Озарбайжонда мавжуд ва халқаро тажриба асосида 2012 йилда ҳавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари бўйича Миллий кенгаш ташкил қилинади, унинг фаолияти республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Устав билан тартибга солинади.

Озарбайжонда Бош келишув амал қилишининг бутун даври мобайнида Ҳукумат, Касаба уюшмалари Конфедерацияси ва Иш берувчилар вакилларида иборат Уч томонлама комиссия тузилади. Ушбу комиссия барча юзага келадиган мунозарали масалаларни ҳал қилади. Бироқ ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий ҳужжати – Бош келишувнинг амалга оширилиши амалиёти республикада ижтимоий-иқтисодий масалаларни комплекс ҳал қилиш ваколатига эга доимий ҳаракатдаги ижтимоий шериклик органини ташкил қилиш заруратини юзага келтирган.

Бош келишувларда Озарбайжонда ижтимоий ва иқтисодий масалалар бўйича доимий амал қилувчи Уч томонлама комиссияни таъсис этиш назарда тутилган эди. Фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ташкил қилиш таркиби, қоидалари ва тартиби, асосий мақсад ва вазифалари, асосий ҳуқуқлари, мувофиқлаштирувчилари, комиссия аъзолари, комиссия фаолиятининг таъминланиши каби жами 9 та моддадан иборат Комиссия тўғрисидаги низом ишлаб чиқилган ва мазкур комиссия ўз фаолиятини ушбу Низом асосида амалга оширади.

Озарбайжонда касаба уюшмалари мамлакатнинг меҳнат қонунчилигини такомиллаштиришга ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Сўнгги йиллар ичида Озарбайжон Меҳнат кодексига меҳнат муносабатларини эркинлаштиришга қаратилган жиддий ўзгартиришлар киритилди. Улар қабул қилинганлиги туфайли касаба уюшмаларининг меҳнат муносабатларини тартибга солиш, жамоа шартномаларини қабул қилишдаги ҳуқуқий мақомларида сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Японияда – иш билан бандлар умумий сонининг 88 фоизи ёлланиб ишловчи ходимларни ташкил қилади. Касаба уюшмаларининг вазифаси ходимлар ва маъмурият ўртасида конструктив муносабатларни ўрнатишдан иборат. Касаба уюшмаларининг ҳам, иш берувчиларнинг ҳам устувор йўналишлари меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобланади.

Японияда меҳнат унумдорлигини оширишнинг қуйидаги учта тамойили мавжуд:

- меҳнат унумдорлигини ошириш иш жойларининг узоқ муддатли ҳимояланишига ва иш билан бандлик даражасининг ўсишига олиб келади;

- ишчи-ходимлар ва маъмурият ўртасидаги ҳамкорлик: меҳнат ва менежмент меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича ҳамкорлик доирасида бир-бири билан маслаҳатлашиши мумкин;

- унумдорлик ўсишининг адолатли тақсимланиши: компаниялар, ходимлар ва истеъмолчилар унумдорликнинг ўсиши натижаларидан тенг даражада фойдаланишлари лозим.

“ШУНТО” ёки “Меҳнаткашларнинг баҳорги юриши” – бу Японияда жамоа музокараларини ташкил этиш жараёнидан иборат. Бу жараён февраль ойидан апрель ойигача бўлган даврда, Японияда баҳорги мавсумда юз бериши учун ҳам шундай номланади.

“ШУНТО”да хусусий корхоналар касаба уюшмалари бир вақтнинг ўзида иш ҳақини ошириш, келгуси йилга иш ҳақи даражасини қатъий белгилаш учун ўзларининг ҳамкор-иш берувчилари билан музокаралар олиб бориш бўйича ўз талабларини ифодалайдилар. Шунингдек, улар меҳнатнинг бошқа шарт-шароитлари, жумладан, йиллик бонуслар ва иш вақти бўйича музокаралар олиб борадилар.

“ШУНТО” ходимлар учун қуйидаги учта асосий устунликка эга:

- биринчидан, у касаба уюшмаларининг музокара позициясини мустаҳкамлайди: кўплаб касаба уюшмаларида бир вақтда ўтказиладиган музокаралар -ходимлар учун кўпроқ устунликлар беради;

- иккинчидан, “ШУНТО”га бирлашмаган ишчилар ва хизматчилар иш ҳақиға ижобий таъсир кўрсатади;

- учинчидан, “ШУНТО” вақтида ўтказиладиган музокаралар корхоналар ва тармоқлар ўртасида иш ҳақи дифференциясини камайтириш имконини беради.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 144-сонли Конвенциясига мувофиқ Японияда уч томонлама консультациялар ўтказилади. Унда “РЭНГО” ҳукумат томонидан меҳнат соҳасидаги асосий сиёсат ишлаб чиқилиши жараёнида тўлиқ иштирок этди.

Гарчи РЭНГО бирор-бир сиёсий партиядан тўлиқ мустақил бўлсада, у меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш масалаларида Япония Демократик партиясининг энг катта тарафдорларидан

бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда парламентнинг Япония Демократик партиясидан 23 нафар аъзоси РЭНГО ва унинг филиаллари манфаатларини ифодалайди.

РЭНГО ва Япония ҳукумати РЭНГО ташкил топган пайдан бошлаб меҳнат ва ижтимоий масалаларни муҳокама қилиш учун мунтазам равишда музокаралар ўтказди.

Японияда касаба уюшмаларига аъзолик аста-секин 1976 йилдаги 33,7 фоиздан 2014 йилдаги 17,7 фоизгача пасайиб бормоқда. Касаба уюшмаларига аъзоликка таъсир кўрсатадиган катта муаммо доимий бўлмаган, шу жумладан ностандарт ёки вақтинчалик иш билан банд ходимлар сонининг ўсиши ҳисобланади. Иш билан мунтазам банд бўлмаган ходимлар сонининг умумий иш билан банд ходимлар сонига салмоғи 2014 йилда рекорд кўрсаткичга – 38 фоизга етган. Иш билан мунтазам банд бўлмаган ходимларнинг касаба уюшмаларига аъзолиги бор-йўғи 6 фоизни ташкил қилади.

Дания давлатида ижтимоий шерикликнинг нокооперативний шакли амалда. Касаба уюшмаларининг марказий бирлашмасига мамлакатдаги ишчиларнинг 85 фоизи аъзо. У барча соҳаларни ўзида қамраб олган. Хусусий сектор ва давлат сектори ўртасидаги муносабатларнинг бевосита иштирокчиси ҳисобланади.

Касаба уюшмалари марказий бирлашмаси 130 йилдан ортиқ муддатдан буён Дания социал демократик партияси билан ҳамкорликда ишлаб келади. Данияда иш берувчиларнинг бирлашмаси ҳам мавжуд бўлиб, у 30 мингдан кўп аъзоларига эга. Улар барча соҳалар транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва бошқаларда ижтимоий ҳамкорликни олиб борадилар.

Дания Касаба уюшмаси 3F деб номланади. Касаба уюшмаси аъзоларининг 90 фоизини жамоа шартномалари тузиш билан ўзига қамраб олган. Жамоа шартномалари ўзаро муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Жамоа шартномалари анъанага кўра 2 йил муддатга тузилади. Жамоа шартномаларининг кўп йиллик муддатга ҳам тузилганлари мавжуд.

Жамоа шартномаларида қуйидагилар акс этади: ишчилар билан боғлиқ ишлаб чиқариш хавфсизлиги, иш ташлаш ҳақида хабар бериш, унда иштирок этадиганларни аниқлаш билан боғлиқ ҳолатлар; меҳнат шароитлари, иш ҳақиға оид тўланадиган моддий ёрдам, нафақа тўловлари, иш вақти, ишчини персонал тарзда бошқа ишга ёки бошқа корхонага ўтказиш, вақтинчалик ишдан бўшатиш билан боғлиқ ҳолатлар; касаба уюшмалари шароитлари, хусусий ишлаб чиқариш ва бошқарув муаммолари, янги технологияларни жорий этиш, молиявий ҳолат, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш каби ва бошқалар киради.

Россияда ҳозирги кунда ижтимоий шерикликни тўлақонли амалга ошириш мақсадида иш берувчи, давлат ва ишга ёлланувчилар ўртасида турли хил музокаралар олиб борилмоқда. Албатта, бу музокараларда асосий масала ишчиларни иш билан таъминлаш масаласи бўлиб қолмоқда. Россия Федерациясида ижтимоий шерикликда касаба уюшмалари катта аҳамият касб этганлиги туфайли, иш берувчиларнинг алоҳида касаба уюшмалари ташкил этилган.

Россияда ҳозирги кунда ҳам ишчи-хизматчилар томонидан жамоа шартномаларига расмий қоғоз сифатида, яъни ҳеч қандай ҳуқуқий эркинликлар бера олмайди, деб қараб келинмоқда. Бундай ҳолатга Россияда ҳалигача шартномавий муносабатларга эскича қараш сақланиб қолганлигидан далолат беради.

Россия Федерациясининг 2002 йилда кучга кирган Меҳнат кодекси ходимлар, иш берувчилар, давлат ҳукумати ва маҳаллий ўзини бошқариш органлари ўртасидаги бошқариладиган муносабатларни янада мустаҳкамланишига олиб келди.

Корхоналарда иш берувчи билан жамоа шартномасини тузиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқиға касаба уюшмаси ўз вакиллик органи орқали, ходимлар томонидан ваколат берилган бошқа вакиллик органи ёки бевосита меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши эга. Корхоналардан ташқари жамоа келишувларини тузиш ташаббуси билан тармоқ, ҳудудий касаба уюшмалари чиқиши мумкин. Сабаби ижтимоий

меҳнат масалаларни ҳал этувчи махсус иш берувчилар вакиллик органлари ташкил этилмаган.

Ижтимоий шерикликнинг турли даражалардаги тизимининг шаклланиши, “Иш берувчиларнинг бирлашмалари” тўғрисидаги 2002 йилдаги Федерация Қонуни қабул қилиниши ва касаба уюшмаларининг аҳамиятини мустаҳкамланиб борилиши билан изоҳлаш мумкин.

Россияда ижтимоий шерикликнинг тамойиллари ва уни амалга ошириш механизмининг ҳуқуқий асослари “Жамоа шартномалари ва келишувлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги федерал қонунларда ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида акс этган. Мазкур ҳужжатлар асосида Ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича Россияда уч томонлама комиссияси фаолият юритади. Узоқ йиллардан буён Бош келишув¹ ҳамда соҳавий, соҳалараро ва ҳудудий тариф келишувлари (меҳнатга ҳақ тўлаш нормалари ва бошқа шартларни, шунингдек соҳа ходимлари учун ижтимоий кафолатлар ва имтиёзлар белгилаб берилган ҳуқуқий ҳужжатлар) имзоланиб келмоқда.

Бироқ умумдават миқёсида ижтимоий шериклик бўйича Қонунчилик тўлиқ шаклланмаган. Бугунги кунда фақат Россияда уч томонлама комиссиясининг фаолият юритиши учун тўлиқ тизим шакллантирилган бўлиб, бу “иқтисодий-ишлаб чиқариш, меҳнат ва ижтимоий соҳаларда мавжуд бўлган учта томон: давлат, ёлланма ходимлар ва иш берувчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг умумий тамойилларини белгилаб бериш”дан иборат². Уч томонлама комиссия Бош келишув лойиҳасини тайёрлаш, уни қабул қилиш бўйича жамоавий мунозараларни ташкил этиш ва бажарилишини муҳокама қилишга доир барча ваколатларга эга.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ривожланган давлатлардаги касаба уюшмаларининг фаолияти ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда иш берувчилар билан ўзаро музокаралар олиб бориш орқали ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириб боришда ифодаланади.

¹Қаранг: Социальное партнерство. М.: Издательство «Экономика», 1999, с. 51.

²Қаранг: Социальное партнерство. М.: Издательство «Экономика», 1999, с. 169.

IV БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ КАФОЛАТИ СИФАТИДА КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ РОЛИНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

4.1. Касаба уюшмаларининг фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини муҳофаза қилишдаги ролини ошириш имкониятлари

Касаба уюшмалари ҳуқуқий фаолиятнинг махсус субъекти сифатида қаралади. Уларнинг ҳуқуқий мақоми (ҳуқуқ ва муомала лаёқати) юқорида эслатиб ўтилган касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун, меҳнат кодекси ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Бозор муносабатларига ўтилиши билан ва хусусийлаштириш ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш жараёнлари авж олиши билан касаба уюшмаларининг ҳимоялаш функциялари анча кучайди ва ушбу функцияни самаралироқ амалга оширилиши учун зарурат ҳам ортди. Ишлаб чиқариш жараёнларида ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг оқилона усули сифатида иш берувчилар билан цивилизациялашган тартибда ижтимоий шерикчилик муносабатларини йўлга қўйилиши эътироф этилади. Касаба уюшмалари томонидан амалга ошириладиган ижтимоий шерикчилик шакллари хилма-хил бўлиб, иш берувчи билан, маҳаллий ва марказий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиш, музокараларга киришиш, маслахатлашувларни йўлга қўйиш, маълум тадбирларни биргаликда амалга ошириш кабиларни ўз ичига қамраб олади¹.

Ушбу маънода О.В.Смирновнинг, “Касаба уюшмалари шерикчилик муносабатлари диапозони жуда кенг бўлиб, муайян вазиятларда ижтимоий қарама-қарши туришдан тортиб конструктив ўзаро алоқаларни йўлга қўйишгача бўлган муносабатларни ўз ичига олади”² деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки ижтимоий шерикчилик ўзаро зиддиятли ҳамда қарши туришликни истисно этади, ўзаро қарама-қарши туриш шароитида шерикчилик ҳақида сўз бўлиши қийин.

¹Киселев И.Я. Трудовое право России и зарубежных стран. Международные нормы труда: учебник под ред. Лушниковой М.В. (3-е изд.). М.: ЭКСМО, 2008. Ст. 608.

²Трудовое право. Учебник. М., «Проспект», 2008., с. 77.

Жамиятни ислоҳ этиш ва мамлакатни модернизация қилиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолият олиб боришлари учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ва моддий шароитлар яратилди. Шундай қилиб, касаба уюшмалари кўринишидаги мустақил ижтимоий институтлар мамлакат мустақиллигининг илк ойларидаёқ шакллантирилди. Даставвал касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий назоратининг асосларини ўзида мужассам этган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди, сўнг 1992 йилнинг 2 июлида Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, касаба уюшмаларининг асосий ваколатларини, уларнинг ҳуқуқий мақоми, мулкӣ ҳолати ва ҳоказоларни белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистонда касаба уюшмаларининг мақсадини белгиловчи алоҳида модда мавжуд бўлиб, унга кўра касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар (59-модда).¹ Касаба уюшмалари фаолияти ривожининг кейинги босқичи сифатида 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг қабул қилинишини айтиш мумкин. Меҳнат кодекси меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари ва келишувлари орқали тартибга солишда касаба уюшмаларининг ваколатларини аниқлаштирди. Касаба уюшмаларининг бундай назоратни амалга ошириш ҳуқуқларининг элементлари сифатида музокараларга кириши ва уларни олиб бориш ҳуқуқини, жамоа шартномалари ва келишувларини ишлаб чиқиш ва имзолаш ҳуқуқини, уларнинг мазмунини мустақил ҳолда белгилашни айтиб ўтиш мумкин, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қисмида, касаба уюшмалари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишни амалга оширади (МК, 9-модда), шунингдек, меҳнат низосини кўриб чиқиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (МК, 268-модда). Ходимларнинг вакиллик органи сифатидаги касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига Меҳнат кодексининг алоҳида боби бағишланган бўлиб, тан олиш керакки, Меҳнат

¹Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2014 й. 20-б.

кодекси касаба уюшмаларини ихтиёрий ва сайланадиган орган сифатида мутлақлаштирмайди.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда, иқтисодий ўсиш, ва ижтимоий муносабатларнинг ривожланишини инобатга олиб, касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунчиликка тегишлича эътибор берилаётгани йўқ. Лекин эътироф этилишича, касаба уюшмалари бугунги кунда ходим ва иш берувчи ўртасидаги бирламчи воситачи бўлиб, ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва низоларни ечиш йўли билан меҳнат самарадорлигини таъминловчи ташкилот ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликка кўра касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этадилар, аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсати ишлаб чиқилишида қатнашадилар (“Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” Қонун, 8-модда), иш берувчининг вакиллари билан жамоа музокаралари олиб боришда ва жамоа шартномалари, келишувларини тузишда устувор ҳуқуққа эгадирлар, уларнинг бажарилишини назорат қиладилар (Қонуннинг 9-моддаси), ўз ваколатлари доирасида меҳнаткашларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқишда иштирок этадилар (Қонуннинг 10-моддаси).

Ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини таснифлар эканмиз, касаба уюшмалари фаолиятининг қуйидаги йўналишларини ажратиш мумкин:

- ходимларнинг жамоавий меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- ходимларнинг якка тартибдаги меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

Шундай қилиб, ходимларнинг жамоавий меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилар экан, касаба уюшмалари жамоа-шартномавий ҳужжатлар тузиш ташаббуси билан чиқадиладар, жамоа музокараларида, жамоа шартномалари ва келишувларини тузишда иштирок этадилар, уларнинг бажарилишини назорат этадилар. Бунда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари

ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун касаба уюшмалари учун ходимларнинг касаба уюшмасининг аъзоси бўлиш-бўлмасликларидан қатъи назар ходимлар манфаатининг вакиллик имкониятини кўзда тутди. Бундай ҳолат ходимларнинг касаба уюшмасига мансублиги ёки унда фаол иштирок этиши (хусусан, сайланадиган касаба уюшмалари раҳбарлари учун ҳам) бўйича камситилишидан ҳимоя этилиши кафолатининг қонуний тақдим этилишига кўра тўғридир (ЎЗР МК, 6-модда). Касаба уюшмаси органига жамоа музокараларида барча ходимларнинг номидан ва манфаати йўлида иштирок этиш ваколатини бериш механизми, одатда, жамоа шартномаси ёки жамоа келишувида кўрсатилади. Жамоа-шартномавий ҳужжатларнинг мазмунини аниқлаш йўлида касаба уюшмалари жамоа музокараларида иштирок этиш орқали меҳнат шарт-шароитлари ва мазкур корхона, соҳа, ҳудудда бандликни белгилашда иштирок этадилар, ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатлари ўзаро таъсирининг ҳуқуқий механизмини ишлаб чиқади.

Шундай қилиб, жамоа-шартномавий ҳужжатларнинг шартлари тарафларнинг жамоа музокараларининг якунларига кўра олган мажбуриятларини кўзда тутди. Биринчи ўринга иш берувчининг ходимларнинг меҳнат қилиш шарт-шароитларини яхшилаш мажбурияти (масалан, қонунчиликда назарда тутилган кафолатлар даражасини кўтариш), ходимларнинг вакиллик органлари фаолияти ва ходимларнинг жамоа-шартномавий ҳужжатга киритилган иш берувчининг талабларини бажариш мажбуриятини таъминлаш чиқади. Касаба уюшмаларининг ҳимоя вазифасини амалга оширилишида касаба уюшмаларининг ўрнини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, айнан жамоа-шартномавий ҳужжатлар касаба уюшмаларининг ушбу ролини ифода қилиш воситасидир. Касаба уюшмаси қанчалик кучли ва обрўли бўлса, жамоа шартномаларига ходимлар учун имтиёз ва кафолатларни ўз ичига олган меъёрлар шунчалик кўп киритилади. Булар кафолатлар даражасини миқдорий кўринишда оширишга қаратилган меъёрлар бўлиши мумкин. Ёки юқорироқ даражада қонунчиликда кўзда тутилган кафолатларни ўрнатиш – давлат томонидан белгиланганидан юқорироқ бўлган минимал ойлик иш ҳақи. Ўзбекистон касаба уюшмалари

Федерациясининг маълумотларига кўра жамоа шартномалари аста-секинлик билан иш ҳақининг тариф (кафолатланган) қисмининг оширилиши воситасига айланмоқда. Шундай қилиб, 2013 йилда деярли барча корхоналарнинг жамоа шартномаларида 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган ПФ-1675-сонли Президент Фармонида белгиланган меҳнат ҳақининг минимал миқдори белгиланди.¹ Кўрсатилган меъёрлар хилма-хиллиги бўйича фарқланмайди. Бунга мисол қилиб штат қисқаришида ишда қолдириш учун афзаллик бериладиган ҳуқуқнинг нафақат ЎзР МК 103-моддасида кўрсатилган, балки бошқа тоифадаги ходимларга ҳам берилишини кўрсатиш мумкин. М.Гасанов ва Е.Соколовда бу қуйидагича кўрсатилган: агар ҳуқуқий меъёр у ёки бу кафолатни ходимларнинг алоҳида тоифаси учун кўзда тутган бўлса, шартнома ҳужжатларида айнан ўша кафолатни ўрнатиш мумкин, аммо уни корхонада ишлайдиган кенгрок доирадаги ходимларга қўллаш ёки мазкур кафолатнинг даражасини кўтариш мумкин, лекин бунда қонунчиликда белгиланган шахслар доирасини қолдириш ёки кафолатни кўтариш ва айнан пайтда шахслар доирасини кенгайтириш мумкин.² Шундай қилиб, жамоа шартномасида қонунда мустаҳкамланганларга ўхшаш қўшимча ҳуқуқлар кўзда тутилиши мумкин, масалан ишга жойлашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар.³

Ушбу контекстда қуйидагини қайд қилиб ўтишни лозим топдик. Ўзбекистонда ижтимоий заиф деб тан олинган алоҳида тоифа шахсларга алоҳида эътибор қаратилади – булар ногиронлар, кексалар, вояга етмаганлар, собиқ байналминалчи жангчилар, Чернобил атом электр станциясидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилиш иштирокчилари. Ўзбекистоннинг меҳнат ва пенсия қонунчилигида ушбу тоифа ходимларига қўшимча ҳуқуқ ва кафолатлар назарда тутилган. Бунга кўра касаба уюшмалари қуйидаги ходимларга – ногиронлар, вояга етмаганлар ва ишни таълим билан қўшиб олиб боровчи шахслар, кўп болали ва кам таъминланган oilалар вакиллари, болали аёлларга тармоқ келишувлари ва меҳнат муҳофазаси, иш вақти,

¹Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдан ташқари VI-Курултойи ҳужжатлари. 2011-2013 йилларда касаба уюшмалари Федерациясининг фаолияти. -Т.: Ўзбекистон КУФК, 2014 й. 18-б.

²Гасанов М.Соколов Е. Трудовое законодательство Узбекистана. - Книга вторая: Рабочее время и время отдыха.- Т.:Укитувчи, 2000г.С.368

³<http://www.kasaba.uz/>

таътил, шунингдек қўшимча тўловларга оид жамоа шартномаларида ҳам қўшимча кафолатларни кўзда тутувчи меъёрларни киритишга ҳаракат қилади. Навбатдан ташқари VI курултойининг материалларига кўра 2011-2013 йиллар мобайнида жамоа шартномлари ва келишувлари орқали 532393 та ходимлар ва оиллагага 142 млрд. 287 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилди.¹

Қонунчиликдан фарқли ўлароқ иш берувчи ҳуқуқларининг чекланишини кўзда тутувчи меъёрларни алоҳида кўрсатиб ўтмоқчимиз. Ходимларнинг индивидуал ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатор ҳуқуқларига кўра иш берувчининг ташаббусига кўра меҳнат шартномасининг бекор қилинишида, агар бундай талаб жамоа шартномаси ёки жамоа келишувида кўзда тутилган бўлса, касаба уюшмасининг олдиндан розилигини олиш керак (ЎЗР МК 101-модда).

Касаба уюшмаларининг жамоа-шартномавий ҳужжатларни тузиш орқали ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашдаги ролининг таҳлили Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-меҳнат муносабатларининг кейинги ривожини секинлаштирувчи сабабларни аниқлаш имкониятини беради. Бизнингча, асосий сабабларга қуйидагиларни киритиш лозим:

Биринчидан, айрим иш берувчи ва ходимларнинг ҳуқуқий маданиятининг паст даражаси ва иқтисодий билимларининг етишмаслиги. Афсуски, алоҳида раҳбарлар жамоа-шартномавий ҳужжатларга қонунчиликдан фарқли қўшимча ҳуқуқ ва кафолатларни киритишни маблағларни мақсадсиз сарф қилиш деб тушунишади ва меҳнат шарт-шароитлари, ходимларнинг ўз меҳнати натижалари ва корхонанинг фаолиятдан манфаатдорлиги, меҳнатнинг унумдорлиги ва сифатига, оқибати ўлароқ эса корхонанинг рентабеллигига таъсир қилишини англаб етишмайди.

Иккинчидан, алоҳида корхоналарнинг паст рентабеллиги. Зарурий молия воситаларининг йўқлиги касаба уюшмаларининг жамоа

¹Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдан ташқари VI-Курултойи ҳужжатлари. 2011-2013 йилларда касаба уюшмалари Федерациясининг фаолияти. -Т.: Ўзбекистон КУФК, 2014 й. 20-б.

шартномаларига қўшимча имтиёз ва кафолатларни киритиш имкониятларини анча чегаралаб қўяди.

Учинчидан, яширин бандлик, латент меҳнат муносабатларининг мавжудлиги. Иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлган шахслар ҳуқуқий майдондан ташқарида бўлиб, касаба уюшмалари ҳимоясидан ҳам четдадирлар.

Тўртинчидан, айрим корхоналарда касаба уюшмаси қўмиталари ёки ходимларнинг вакиллик органлари тузилмаган ва оқибати ўлароқ жамоашартномавий ҳужжатлар қабул қилинмайди.

Юқорида келтирилган касаба уюшмаларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш вазифасини бажаришга тўсқинлик қилувчи сабаблар рўйхати тўлиқ эмас. Лекин кўрсатилган сабаблар уларни бартараф қилиш учун моҳиятига кўра турли чора-тадбирлар (иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий ва ҳоказо) ишлаб чиқилиши заруратини келтириб чиқаради. Ушбу чора-тадбирларнинг айримлари (масалан, қонунчиликка тегишли ўзгартишлар киритиш) фақат умумдавлат даражасида хал қилиниши мумкин. Шундай қилиб, 1992 йилнинг 2 июлида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” амалдаги Қонуни анча эскирган бўлиб, янги таҳрирга мухтождир.

Бизнингча, мазкур Қонуннинг янги таҳририда касаба уюшмаларининг асосий вазифалари сирасида ходимларнинг ҳуқуқларини ифода этиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий шериклик, икки томонлама ва уч томонлама ҳамкорлик масалалари кўзда тутилиши лозим.

4.2. Касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўналишлари

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат куриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича катта ишлар қилинди.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва янги давлат ҳамда янги жамият куришнинг асоси бўлган бешта тамойил ўзини тўлиқ оқлади. Ушбу

тамойиллардан келиб чиққан ҳолда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” ғояси ҳаётга босқичма–босқич тадбиқ этилмоқда.

Фуқаролик жамиятининг кучли иқтисодий асоси яратилди, нодавлат тузилмаларнинг, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини–ўзи бошқариш органларининг фаолияти такомиллаштирилмоқда, суд–ҳуқуқ тизими, оммавий ахборот воситалари, маданий–маърифий соҳаларда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди.

Республика иқтисодиётининг барқарор, олға қараб ривожланиши аҳоли турмуш даражасининг ошишига, ижтимоий – меҳнат соҳасидаги кўплаб муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилишига имкон бермоқда.

Хусусан, ишчи кучига бўлган талабни рағбатлантириш, иш ўринларини ҳимоялаш, ижтимоий муҳофаза тизимини кенгайтириш бўйича чоралар кўрилмоқда, мунтазам равишда энг кам иш ҳақи ва ижтимоий трансферт бўйича тўловлар миқдори оширилмоқда, юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ юкламаси пасайтирилмоқда, бюджет соҳаси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимлари жорий қилинди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари – халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик синергияси натижасидир.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти норматив ҳужжатларининг меҳнатни халқаро-ҳуқуқий тартибга солинишига қўшган асосий ҳиссаси шундан иборатки, улар асосий инсон ҳуқуқларининг пакетини шакллантирди, бу ҳуқуқлар ҳар бир ривожланган мамлакатнинг қонунчилигида акс эттирилиши шарт.

Меҳнат ҳуқуқлари учун 1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда, шунингдек Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва тавсияларида белгилаб берилган ҳуқуқлар ўта муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ходимларнинг асосий ҳуқуқлари меҳнат соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда эълон қилинган халқаро стандартлардан келиб чиқади, зеро республика Конституциясида

умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги айтиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Ёлланиб ишлайдиганлар ҳақ тўланадиган таътил олишга ҳақлидирлар. Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Меҳнат қонунчилигида ходимларнинг асосий ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилганки, бир қатор ҳолатларда улар халқаро стандартларга нисбатан бирмунча имтиёзли характерга эга.

Масалан, ходим меҳнатига Ягона тариф сеткаси биринчи разряди бўйича қонун томонидан ўрнатилган миқдордан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш ҳуқуқи энг кам иш ҳақи бўйича халқаро қоидаларга мос келади. Ушбу ҳуқуқ ёлланиб ишлайдиган ходимларнинг барча гуруҳларини қамраб олган. Энг кам иш ҳақини белгилаб бериш ва уни вақти-вақти билан қайтадан кўриб чиқишга имкон берадиган махсус тартиб яратилган.

Ҳавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқ ушбу соҳадаги мақсадли миллий давлат сиёсати ўтказилиши орқали таъминланади.

Фуқароларнинг касбий тайёргарлиги, қайта тайёрланиши ва малака ошириши касб таълими тизими орқали таъминланади, ушбу тизим ёшларнинг ва катталарнинг уларнинг бутун ҳаётлари мобайнида, иқтисодиётнинг барча секторларида, иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида ва барча малака ҳамда масъулият даражаларида касбий тайёргарлик олиш бўйича эҳтиёжларига жавоб беради.

Ходимнинг унинг соғлигига ёки мулкига хизмат вазифаларини бажариш чоғида етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқи иш берувчининг мажбурияти сифатида қонунчиликда мустаҳкамлаб берилди.

Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда

ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгаллиги ХМТнинг “Ижтимоий таъминотнинг минимал нормалари тўғрисида”ги 102-сонли Конвенциясида назарда тутилганидек ходимларнинг мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси орқали амалга оширилади.

Дам олиш ҳуқуқи иш вақти муддатини чегаралаш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари ва ҳар йиллик меҳнат таътиллари бериш орқали таъминланади. Ўзбекистон Республикаси ХМТнинг “Ҳафта давомидаги иш вақтини 40 соатгача қисқартириш тўғрисида”ги 47-сонли Конвенциясини ратификация қилди ва бу билан меҳнаткашларнинг турмуш даражаси пасайиб кетмаслигини таъминлаган ҳолда, ходимлар иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги таъминлини маъқуллади.

Ўзбекистонда ходимларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқлари амалга оширилади, касаба уюшмаларининг мавқеи мамлакатимизнинг миллий қонунчилиги орқали мустаҳкамлаб берилган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Касаба уюшмалари ҳаракатининг мустақиллиги тўғрисида”ги Резолюциясида таъкидлангандек, касаба уюшмаларининг фундаментал ва доимий вазифаси меҳнаткашларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини яхшилаш ҳисобланади. Касаба уюшмалари шунингдек ҳар бир мамлакатда жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ва тараққиётига ёрдам бериш борасида бошқа тарафлар билан ҳамкорлик қилишда муҳим роль ўйнаши керак¹.

Бироқ, кейинги йилларда глобализация ва инқироз ҳолатлари таъсирида барча мамлакатларда касаба уюшмаларининг роли сезиларли ўзгармоқда.

Глобал рақобат, аутсорсингнинг, ноанъанавий бандликнинг ўсиши, ҳуқуқий чеклашлар касаба уюшмаларига аъзо бўлишнинг ва жамоа шартномалари билан қамраб олинишнинг пасайиб кетишига сабаб бўлди.

Глобаллашув шунингдек анъанавий касаба уюшмаларининг бюрократлашуви анъаналарини кучайтиради. Касаба уюшмалари муқаррар

¹“Касаба уюшмалари ҳаракатининг мустақиллиги тўғрисида”ги Резолюция // [http://www.ilo.org/global/lang--en/index.htm](http://www.ilo.org/global/lang-en/index.htm)

равишда ишчиларнинг ўз-ўзини ташкиллаштиришидан институционализация ва бюрократизацияга йўл тутди ва ўзининг ривожланишидаги муайян бир босқичда ходимларнинг манфаатларини ифода этиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан тўхтади¹.

Кўплаб мамлакатларда касаба уюшмалари позицияларининг заифлашувига уларнинг фуқаролар ҳамда иш берувчилар олдидаги обрўсининг пасайиши сабаб бўлмоқда, зеро, уларда касаба уюшмалари тўғрисида салбий фикрлар мавжуд.

Уларнинг фикрига кўра касаба уюшмалари²:

иш ҳақи ва харажатларни сунъий равишда кўтариб компанияларнинг рақобатбардошлигига путур етказди, бундай ҳол умуман иқтисодиётга салбий таъсир кўрсататди;

иш ўринларининг модернизациясига тўсқинлик қилади;

бажариб бўлмайдиган талаблар қўяди;

ўз вазифасига нолойиқ ходимларни ишдан бўшатилишига йўл қўймайди;

бадаллар йиғади ва уларни мақсадсиз сарфлайди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, сўнгги 3 йил ичида касаба уюшмаси аъзолиги ижтимоий базасини кенгайтириш ва ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширди:

ортиқча бюрократик бўғинларни қисқартириш учун касаба уюшмаларининг тузилмасини такомиллаштириш ва тежаб қолинган маблағларни бевосита бошланғич ташкилотларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириш;

Ҳукумат ва иш берувчилар бирлашмалари билан Бош келишувни тузиш ва амалга ошириш;

республикадаги барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, айниқса нодавлат сектордаги корхоналарни жамоа-шартномавий

¹Нарбаева Т. Ишчи хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолияти / <https://kasaba.uz/>

²World Employment and Social Outlook 2015: The Changing Nature of Jobs // <http://www.ilo.org>

муносабатлар билан тўлиқ камраб олиш орқали ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кенгайтириш;

янги иш ўринларини яратиш бўйича давлат дастурларини амалга оширишга кўмаклашиш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

нодавлат сектордаги корхоналар ва ташкилотлар, шу жумладан қўшма, хусусий, оилавий корхоналарни касаба уюшмаларига жалб қилиш;

аёллар ва ёшларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича ишларни янада кучайтириш;

кичик бизнесни ривожлантириш йўли билан касаба уюшмалари маблағлари манбаларини диверсификация қилиш;

фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан узвий ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш;

ходимларнинг ҳуқуқлари бузилган ҳолларда тезкор чоралар кўриш учун касаба уюшмаларининг “Ишонч телефонлари”ни таъсис этиш ва уларнинг фаолият олиб боришларини таъминлаш;

якка тартибдаги ва жамоаларга доир меҳнат низоларини судгача ҳал қилиш амалиётини кенгайтириш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва профилактикаси;

кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш.

Кўрилган чоралар натижасида ўтган йиллар ичида бир қатор йўналишларда касаба уюшмалари фаолияти сезиларли даражада кучайишига эришилди.

Масалан, касаба уюшмаларининг бевосита иштирокида ижтимоий-меҳнат соҳасида 40 дан ортиқ қонун ва 100 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Нодавлат сектордаги корхоналар ва ташкилотлар ходимларини касаба уюшмаларига жалб қилиш орқали уларнинг ижтимоий- иқтисодий манфаатларини ҳимоясини таъминлаш бўйича ишлар кучайтирилди. Ходимлари сони 200 мингдан ортиқ бўлган 12 минг 500 та корхонада бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари тузилди.

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида касаба уюшмалари Федерациясининг барча бўғинларида фуқароларни қабул қилиш бўйича ишлар йўлга қўйилди, касаба уюшмаларининг расмий сайтлари орқали ҳуқуқий маслаҳатлар кўринишидаги интерактив хизматлар жорий этилди¹.

Аҳоли ўртасида меҳнат соҳасидаги халқаро ва миллий стандартларни илгари суриш бўйича ахборот-тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда.

Иш берувчилар, давлат ҳокимияти органлари ходимлари, шу жумладан туман ва шаҳар ҳокимлари ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги ХМТ Конвенциялари, миллий қонунчилик стандартларини амалга ошириш масалалари бўйича ўқитилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси ва Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида тузилган Бош келишувга мувофиқ 85 та тармоқ, 14 та ҳудудий келишувлар амал қилмоқда, бевосита корхона ва ташкилотларда эса – 98 мингга яқин жамоа шартномалари тузилган, бу эса касаба уюшма аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 96,3 фоизини ташкил қилади.

Касаба уюшмалари томонидан қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этишни ўзларининг асосий вазифаларидан бири сифатида қатор ишларни амалга оширилиши лозим.

Федерация ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш муносиб меҳнатнинг ҳал қилувчи омилларидан бири эканлигини, шу билан бирга айрим, жумладан норасмий бандлик, хусусий секторда меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш заруратини эътироф этади.

Шу мақсадда касаба уюшмалари томонидан қуйидаги йўналишларда ишларни амалга ошириш ва бу орқали касаба уюшмаларининг жамоат ташкилоти сифатидаги ролини юксалтириш мумкин:

¹<https://kasaba.uz/>

Олий Мажлис палаталарининг тегишли кўмиталари билан ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масалалар бўйича кўшма семинарлар, кенгашлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказадилар, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини кўмиталар йиғилишларида кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш;

ҳалқаро ва миллий меҳнат стандартларини жорий этиш, меҳнат соҳасидаги асоссолувчи тамойилларни амалга ошириш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, концептуал жиҳатдан янги қонунларни ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказишда фаол иштирок этиш;

Ўзбекистон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларини ратификация қилишга кўмаклашиш;

қонун ижодкорлигида касаба уюшмаларининг иштирокини жадаллаштириш мақсадида асосий эътиборини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг тегишли кўмиталари, шунингдек вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратиш;

меҳнат ҳуқуқи ва касаба уюшмалари фаолиятининг асосларини мустаҳкамлаш мақсадида янги таҳрирдаги “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ҳамда Халқаро Меҳнат ташкилотининг “Бирлашиш эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида”ги 87-Конвенцияси ратификация қилинишига эришиш;

ҳуқуқий ҳимоя механизмларини такомиллаштириш асносида ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунлар ижроси юзасидан касаба уюшмалари жамоатчилик назоратининг ягона ва марказлашган тизимини шакллантириш, низоларни судгача ҳал қилиш механизминини жонлантириш ва жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш;

касаба уюшмалари ҳуқуқий ҳимоя фаолияти самарадорлигини ошириш

юзасидан инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, жумладан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Прокуратура идоралари билан барқарор ҳамкорликни янада фаоллаштириш;

ҳалқаро ва миллий меҳнат стандартларини кенг тарғиб этиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш борасида тарғибот фаолиятини тубдан яхшилашга ҳар томонлама кўмаклашиш;

меҳнат ҳуқуқи соҳасида таълимни рағбатлантирадилар ҳамда фуқароларга ижтимоий-меҳнат соҳасида бепул ҳуқуқий-консультатив ёрдам кўламини кенгайтириш.

4.3. Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган меъёрлари устуворлиги тан олинади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 10-моддасига мувофиқ “агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (кейинчалик матнда ХМТ) Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки конвенциянинг қоидалари қўлланилади”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддасига мувофиқ касаба уюшмаларига энг юқори – конституциявий-ҳуқуқий мақом берилиб, унга кўра касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар.

Ўзбекистонда, ижтимоий-меҳнат соҳасига оид миллий стандартлар билан бир қаторда халқаро ҳуқуқий меъёрлар, хусусан ХМТнинг «Бирлашиш эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» 87-сонли ҳамда «Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи принципларини қўллаш тўғрисидаги» 98-сонли Конвенциялари инсон

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат назорати ва жамоатчилик назорати предмети ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура тузилмасидаги инсон ҳуқуқлари бўйича бошқармалар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизимини ташкил этади.

Бугунги кунга иқтисодиётнинг 14 соҳасида 6 млн. нафардан зиёд меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этувчи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ижтимоий-меҳнат соҳасига ихтисослашган энг йирик ва нуфузли нодавлат ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти ҳисобланади.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган Ўзбекистон касаба уюшмаларида ислохотлар жараёнларини ўрганишга қаратилган тадқиқот натижаларининг гувоҳ беришича, бугунги кунда касаба уюшмалари фуқароларга ҳар томонлама ижтимоий кўмак кўрсатувчи ва уларнинг меҳнат ва касбий манфаатларини таъминловчи энг оммавий жамоат ташкилоти бўлиб қолмоқда.

Хусусан, мониторинг натижаларидан кўринишича, иштирокчиларнинг аксарияти ўз иш жойи бўйича касаба уюшмаси аъзоси бўлиб (97,5%), касаба уюшмаси томонидан меҳнат ҳуқуқларининг муҳофазаси ва ижтимоий ҳимоя соҳасидаги кафолатлар касаба уюшмасига аъзолигининг асосий сабаби сифатида кўрсатилган¹.

Касаба уюшмалари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати меҳнат қонунчилигининг давлат назоратига муқобил энг самарали назорат тизими бўлиб, у меҳнат ҳуқуқлари ва эркинликлари муҳофазаси, меҳнат шароитлари ва иш ҳақи, меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқариш ҳавфсизлиги, ижтимоий муҳофаза, турар жой шароитлари, ижтимоий суғурта

¹Кимсанов Д. Ўзбекистон Республикасида Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиш истикболлари // <http://www.uzembegypt.com/u/newsletters>

ва соғломлаштириш, ходимларнинг маданий манфаатлари муҳофазаси, бандлик ҳолатини ўз ичига олади.

Қонун касаба уюшмаларининг қуйидаги ҳуқуқларини кафолатлайди:

Ижтимоий-меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Иш берувчи билан жамоа музокараларини ўтказишга устувор ҳуқуқ;

Иш берувчининг меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисида қонунчилик талаблари, шунингдек жамоа шартномалари, келишувларини бажаришини назорат қилиш;

якка меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш.

Меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишда репрезентативлик (манфаатлар иштироки) таъминланди, энг аввало касаба уюшмаларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги фаол иштироки эъвазига амалга оширилади. Касаба уюшмаларининг иштирокида ижтимоий-меҳнат соҳасида 150 меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, улар қаторида қуйидаги қонунларни кўрсатиш мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Ижтимоий шериклик», «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги, «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунлари.

Бугунги кунда янги таҳрирда «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисидаги», «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

Касаба уюшмаларининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Устави билан белгиланган асосий вазифаларидан бири ҳуқуқий ҳимоядир.

Ўтказилган мустақил ижтимоий сўровларга кўра аксарият аъзолар касаба уюшмалари ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишлари салоҳиятини эътироф этадилар. Аниқланишича, касаба уюшмаси қўмитасига мурожаатларнинг изчиллиги юқори даражада қолмоқда: тадқиқот иштирокчиларининг учдан икки қисмидан зиёдроғи ўз касаба уюшмасига бепул ҳуқуқий маслаҳат учун мурожаат этиб, уларнинг мурожаатлари ижобий ҳал қилинган.

Фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида касаба уюшмалари Федерациясининг барча бўғинларида фуқароларни қабул қилиш ишлари йўлга қўйилиб, касаба уюшмаси ташкилотларининг расмий сайтлари орқали юридик маслаҳатлар кўринишидаги интерфаол хизматлар кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги» қонунига мувофиқ фуқароларнинг ижтимоий ва меҳнатга оид ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши, шунингдек жамият ва давлат манфаатларига путур етишига сабаб бўлган омилларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш мақсадида кўриб чиқилган мурожаатлар умумлаштирилиб, таҳлилий маълумотлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили, Бош прокуратура органлари ҳамда тегишли тармоқ ва ҳудудий давлат бошқаруви органларига киритилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги миллий қонунчилик тизимининг шаклланиши ва босқичма-босқич такомиллашуви, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни асосида ижтимоий шериклик концепциясининг жорий этилиши республикада касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунни янги таҳрирда қабул қилиш заруриятини юзага келтирди.

Амалдаги «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун 1992 йилда қабул қилинганлиги туфайли ҳуқуқни қўллаш амалиёти талабларига жавоб бермайди, унинг айрим меъёрлари халқаро конвенциялар ва миллий қонунчиликка мос келмайди, касаба уюшмаларининг мақоми ва фаолиятининг асосий жиҳатлари етарлича очиб берилмаган.

Биринчидан, амалдаги Қонуннинг алоҳида меъёрлари Меҳнат кодекси, «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги, «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонуний ҳужжатларининг қоидаларига жавоб бермайди.

Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Меҳнат кодекси ва қатор қонунлар қабул қилинишидан олдин кучга киргани учун унинг кўплаб қоидалари кейин қабул қилинган қатор қонуний ҳужжатларига зид ёки бугунги кун воқеилиги ҳисобга олинмаган.

Иккинчидан, касаба уюшмалари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи қоидалар Меҳнат кодекси ва нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун талабларига мувофиқ эмас.

Учинчидан, амалдаги қонунда касаба уюшмаларига нодавлат нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари)нинг устав вазифалари ёинки касаба уюшмалари ҳаракатининг моҳиятига мос бўлмаган ваколатлар берилган. Қонуннинг меҳнат низолари юзасидан бир томонлама қарор қабул қилиш, халқ депутатлари вакиллик органларига сайловларда номзод кўрсатиш, давлатлараро (ҳукуматлараро) халқаро шартномаларни имзолаш сингари алоҳида қоидалари халқаро ва миллий қонун талабларига зиддир.

Тўртинчидан, қонунда замонавий қонунчилик техникасига номувофиқ атамалар қўлланган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қонунчиликни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шу жумладан халқаро стандартлар, шунингдек касаба уюшмалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизимидаги камчиликларни тўлдирувчи хорижий мамлакатларнинг тажрибаси асосида қонун лойиҳасини тайёрлаш таклиф қилинади.

Бизнингча, қонуннинг янги таҳрири қуйидаги асосий унсурлар назарда тутилиши лозим:

Касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи, касаба уюшмаларини тузиш, фаолиятини таъминлаш ва уни тугатиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тартибга солишни белгилаш;

Касаба уюшмаси органларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва уларнинг ҳуқуқлари, ваколатлари ва мажбуриятлари доирасини батафсил ёритиш;

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуқсонларини бартараф этиш ва касаба уюшмалари фаолиятининг иқтисодий асослари, мол-мулкининг шаклланиш манбаларига аниқлик киритиш;

Касаба уюшмаларининг иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, шунингдек давлат органлари билан муносабатларини тартибга солиш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб масалаларини ечишда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликнинг асосий тамойиллари, шакллари ва йўналишларини белгилаш;

Меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиниши устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун касаба уюшмаси меҳнат инспекцияси институтини жорий этиш.

Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг меҳнат соҳасидаги ратификация қилинган халқаро шартномаларини миллий ҳуқуқий тизимга жорий этиш (имплементация) шакли бўлиб, мамлакатимизда касаба уюшмаси ҳаракатини ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий базани шакллантириш, ижтимоий шерикчилик механизмлари ва тамойилларини амалга ошириш, демократик ислохотлар, жамиятни янгилаш ва мамлакат модернизациясини чуқурлаштириш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Юқорида тадқиқ этилган масалалар юзасидан қуйидаги хулоса ва умумлашмаларга келишимиз мумкин:

1. Касаба уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларни ролини ошириш истиқболлари сифатида:

биринчидан, халқаро ва миллий меҳнат стандартларини жорий этиш, меҳнат соҳасидаги асоссолувчи тамойилларни амалга ошириш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, концептуал жихатдан янги қонунларни ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказишда фаол иштирок этиш;

иккинчидан, меҳнат ҳуқуқи ва касаба уюшмалари фаолиятининг асосларини мустаҳкамлаш мақсадида янги таҳрирдаги “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ҳамда Халқаро Меҳнат ташкилотининг “Бирлашиш эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида”ги 87-Конвенцияси ратификация қилинишига эришиш;

учинчидан, ҳуқуқий ҳимоя механизмларини такомиллаштириш асносида ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунлар ижроси юзасидан касаба уюшмалари жамоатчилиқ назоратининг ягона ва марказлашган тизимини шакллантириш, низоларни судгача ҳал қилиш механизмининг жонлантириш ва жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш.

2. “Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда қонунчиликни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шу жумладан халқаро стандартлар, шунингдек касаба уюшмалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизимидаги камчиликларни тўлдирувчи хорижий мамлакатларнинг тажрибаси асосида қонун лойиҳасини тайёрлаш таклиф қилинади.

Бизнингча, қонуннинг янги таҳририда қуйидаги асосий унсурлар назарда тутилиши лозим:

биринчидан, касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи, касаба уюшмаларини тузиш, фаолиятини таъминлаш ва уни тугатиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тартибга солишни белгилаш;

иккинчидан, касаба уюшмаси органларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва уларнинг ҳуқуқлари, ваколатлари ва мажбуриятлари доирасини батафсил ёритиш;

учинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуқсонларинини бартараф этиш ва касаба уюшмалари фаолиятининг иқтисодий асослари, мол-мулкнинг шаклланиш манбаларига аниқлик киритиш;

тўртинчидан, касаба уюшмаларининг иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, шунингдек, давлат органлари билан муносабатларини тартибга солиш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб масалаларини ечишда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликнинг асосий тамойиллари, шакллари ва йўналишларини белгилаш;

бешинчидан, яқка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш асосларини ва тартибини белгилаш ва касаба уюшмаларининг ролини ошириш.

Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг меҳнат соҳасидаги ратификация қилинган халқаро шартномаларини миллий ҳуқуқий тизимга жорий этиш (имплементация) шакли бўлиб, мамлакатимизда касаба уюшмаси ҳаракатини ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий базани шакллантириш, ижтимоий шерикчилик механизмлари ва тамойилларини амалга ошириш, демократик ислохотлар, жамиятни янгилаш ва мамлакат модернизациясини чуқурлаштириш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“7-модда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишида қатнашиш ҳуқуқлари

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишида қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат бошқаруви, хўжалик ва кооператив идораларига тақдим этишга ҳақлидир.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари келишиш учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига камида бир ой олдин тақдим этилади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилмасдан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилади.

Давлат бошқаруви ва хўжалик идоралари меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига дахлдор бўлган ички меъёрий ҳужжатлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашини камида бир ҳафта олдин хабардор этган ҳолда қабул қиладилар.”

Шунингдек, 12-моддани қуйидаги таҳрирда қабул қилиш мақсадга мувофиқ:

“12-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқишида касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари касаба уюшмаси аъзоси билан маъмурият ўртасида пайдо бўлган яқка тартибдаги меҳнат низоларини Меҳнат низолари

комиссияларида кўриб чиқади ва улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли қарорлар қабул қилади.

Бунда Меҳнат низолари комиссияларининг таркибига иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органларининг учтадан вакили киритилади.

Мажлисида комиссиянинг иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органи вакилларида иборат тенг миқдордаги аъзолари иштирок этган тақдирда Меҳнат низолари комиссиясининг мажлиси ваколатли ҳисобланади.”.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари:

1. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 137.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // <http://uza.uz>
3. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13 — Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2005. – Б. 148.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

4. “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пакт. 1966 йил 16 декабрь, Нью-Йорк // Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 126-І-сонли «1966 йил 16 декабрдаги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиш ҳақида»ги қарорига асосан қўшилган. Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 28 декабрдан кучга кирган.
5. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // 1948 йил 10 декабрь
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сонли “Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида”ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сонли “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда, 51-сон, 486-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т.: “Ўзбекистон”, 2003й. 20-б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги ПҚ–2302-сон “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури

тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 8-сон, 91-модда

10. Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахбротномаси, 1992 йил, 9-сон.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2016 й., 17-сон, 173-модда.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // 2007 йил 3 январь, ЎРҚ-76-сон. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуни // 1991 йил 15 февраль, 223-ХП-сон.

13. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 176-модда.

14. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 4-сон, 45-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни / 2016 йил 25 апрель, ЎРҚ – 405-сон.

16. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 222-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда.

17. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 23-сон, 301-модда; 33-сон, 439-модда.

18. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Қишлоқ хўжалиги ва давлат хизмати соҳасида меҳнаткашларнинг уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқлари тўғрисида”ги 151-сон Конвенцияси. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари: қисқача мазмуни, импелементация, касаба уюшмалари томонидан қўллаш амалиёти. / Т.К.Нарбаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, 2012 йил., - Б. 71.

19. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқларини амалга ошириш принципларини қўллаш ва жамоага доир музокаралар олиб бориш ҳақида”ги 98-сон Конвенцияси. Ўзбекистон

Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари: қисқача мазмуни, имплементация, қасаба уюшмалари томонидан қўллаш амалиёти. / Т.К.Нарбаеванинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, 2012 йил., - Б. 43.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

20. Ferner A., Hyman R. (eds.) Changing Industrial Relations in Europe. Oxford: Blackwell, 1998. P. 95.

21. Kendall W. The labour Movement in Europe. London: Alien Lane, 1987. P. 85.

22. Иноятлов А.А. “Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи” – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002й.;

23. Аригин А.Н. Зрелость гражданского общества – основа устойчивого развития и безопасности России. // Личность. М., 1999, декабрь. – С. 8-20.

24. Башмаков В.И., Санатулов Ш.З. Профсоюзы современной России. – М.: АТиСО, 2007.

25. Беляев А.В. Задачи профсоюзов на современном этапе развития гражданского общества в России / А.В. Беляев // Роль профсоюзов в процессе развития гражданского общества: региональный аспект. – ТОГУ, 2006. - С. 122-133.

26. Будько В.И. Социальное партнерство в России: теория и реалии // Труд и социальные отношения. Спец. выпуск. – 2001.

27. Башмаков В.И. // Гражданское общество и профсоюзы. - М.: АТиСО, 2006. С. 76- 80.

28. В.Савин маърузусидан. Халқаро семинарлар ҳужжатлари тўплами.Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашриёти.Т. 2002 й.136-138 бет.

29. Воржецов А.Г., Козлова Е.А. Взаимодействие государства и профсоюзов в системе социального партнерства в России. – Казань: ГКТУ, 2009. – 50 с.

30. Сатторов Г. Меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикчилик ва унинг ҳуқуқий муаммолари” Т., ТДЮИ.: 2010.- Ўқув услубий мажмуа.- 48 б.

31. Гайнуллина Ф.И. Межгосударственные аспекты социального партнерства // Труд и социальные отношения. – 2000.

32. Гасанов М.Соколов Е. Трудовое законодательство Узбекистана. - Книга вторая: Рабочее время и время отдыха.- Т.:Укитувчи, 2000г.С.368
33. Гасанов М.Ю.,Соколов Е.А. “Ўзбекистонда меҳнат шартномаси (контракт)”. –Т.: Ўқитувчи, 1996, 1-2 китоблар;
34. Грибанов В.В. Профсоюзы и политика: монография. – СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2001. – 285 с.
35. Гриценко Н.Н. Концепция социального государства Российской Федерации: сборник. - М.: АТиСО, 2004
36. Дилигенский Г. Что мы знаем о демократии и гражданском обществе // Pro et Contra. – 1997. Т.2. - №4. – С.5.
37. Яблокова И.А. Коллективный договор в Англии. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва. 1995. – С. 3.
38. Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент.: ТДЮИ. 2011. – Б.61.
39. Инсон ҳуқуқлари: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси. Ҳ.Б.Бобоев ва бошқалар.;-Тошкент: Ўзбекистон, 1997., 187-233 бетлар.
40. Киселев В.Н. Социальное партнерство в Российской Федерации. Состояние, проблемы, перспективы // Труд и социальные отношения. – 1994.
41. Киселев И.Я. Трудовое право России и зарубежных стран. Международные нормы труда: учебник под ред. Лушниковой М.В. (3-е изд.). М.: ЭКСМО, 2008. Ст. 608.
42. Козлихин И.Ю. Идея правового государства: История и современность. СПб.: СПбГУ, 1993. Ст. 150.
43. Крестьянинов А.Н. Социальная напряженность: роль профсоюзов в ее регулировании. Монография. – М.: Русская новь, 2003. – 355 с.
44. Лютов Н.Л. Профсоюзное движение в Великобритании: основные этапы развития и современный правовой статус // Труд за рубежом, 2007. № 3. С. 142.
45. Макарейко Н.В. Административное право / <http://www.e-reading.club/book>
46. Профсоюзное пространство современной России / под ред. В. Борисова, С. Кларка. – М.: ИСИТО, 2001. – 331 с.;
47. Саттарова Г.Д.“Социальное партнерство в форме коллективно-договорного регулирования трудовых отношений в Республике Узбекистан”. Монография. Т.ТДЮИ. 2010. 107 б.

Диссертация ва диссертация авторефератлари:

48. Барабанов А. А. Профсоюзы России в условиях современной политической системы Специальность: Политические институты, процессы и технологии // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата политических наук. – Санкт-Петербург., 2013 г. – С. 55.

49. Маирова Л.М. Защита профсоюзами трудовых прав работников. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. кандидата юридических наук, 2007 г. – С. 87.

50. Шамсиддинова О.Б. “Меҳнат интизомига оид қонунчилик ва ходим ҳуқуқларини ҳимоялаш муаммолари” магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация, ТДЮИ 2011й, 78 бет.

51. Сапажонов Б. Касаба уюшмаларини фаолиятини тартибга солиш: халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик // Битирув малакавий иш. Тошкент: 2014 й., - Б. 45.

Интернет сайтлари:

52. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – Lex.uz

53. <http://uza.uz>

54. <http://kasaba.uz>

55. <http://www.e-reading.com>

56. [http:// www.ilo.org](http://www.ilo.org)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**«КАСАБА УЮШМАЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ
ВА ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ
ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

1-модда. *Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги 638-ХП-сонли Қонунга (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 344-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 20-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:*

1) 7-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7-модда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқлари

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат бошқаруви, хўжалик ва кооператив идораларига тақдим этишга ҳақлидир.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари келишиш учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига камида бир ой олдин тақдим этилади. Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар томонидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилмасдан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилади.

Давлат бошқаруви ва хўжалик идоралари меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига дахлдор бўлган ички меъёрий ҳужжатлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашини камида бир ҳафта олдин хабардор этган ҳолда қабул қиладилар.”

2) 8-модданинг учинчи хатбошисидаги “қонунларга” деган сўзлар “қонунларга ҳамда қонун ости ҳужжатларига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3) 10-модда қуйидаги таҳрирдаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ижтимоий ҳимояга мухтож ходимлар аниқланган тақдирда маъмуриятга моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида тақдимнома киритадилар.”

4) 12-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқишда касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари касаба уюшмаси аъзоси билан маъмурият ўртасида пайдо бўлган якка тартибдаги меҳнат низоларини Меҳнат низолари комиссияларида кўриб чиқади ва улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли қарорлар қабул қилади.

Бунда Меҳнат низолари комиссияларининг таркибига иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органларининг учтадан вакили киритилади.

Мажлисида комиссиянинг иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органи вакилларида иборат тенг миқдордаги аъзолари иштирок этган тақдирда Меҳнат низолари комиссиясининг мажлиси ваколатли ҳисобланади.”.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикаси
Президенти***

И.А.Каримов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “КАСАБА УЮШМАЛАРИ, УЛАРНИНГ
ХУҚУҚЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ
ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ ЛОЙИХАСИ ЮЗАСИДАН
Қ И Ё С И Й Ж А Д В А Л**

<i>Т/р</i>	<i>Амалдаги тахрир</i>	<i>Таклиф этилаётган тахрир</i>	<i>Асослантирилиши</i>
1.	7-модда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат бошқаруви, хўжалик ва кооператив идораларига тақдим этишга ҳақлидир.	7-модда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат бошқаруви, хўжалик ва	Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 16-бандига асосан, агар меъёрий ҳужжат манфаатдор органлар билан келишиш мажбурий ҳисобланганда бундай органлар билан келишилмаган бўлса, меъёрий ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш рад этилиши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибининг 22-бандига кўра,

	Тўлдирилмоқда. Давлат бошқаруви ва хўжалик идоралари меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига дахлдор меъёрий ҳужжатларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашини камида бир ҳафта олдин хабардор этган ҳолда қабул қиладилар.	кооператив идораларига тақдим этишга ҳақлидир. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари келишиш учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига камида бир ой олдин тақдим этилади. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилмасдан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилади. Давлат бошқаруви ва хўжалик идоралари меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига дахлдор бўлган ички меъёрий ҳужжатлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашини камида бир ҳафта олдин хабардор этган ҳолда қабул қиладилар.	Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилиши керак. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) 67-бандига асосан, қонун ҳужжатларига мувофиқ келишилиши мажбурий бўлган ҳолларда, шунингдек идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида бошқа вазирлик ва идоралар манфаатларига ёки ваколатларига дахл қилувчи нормалар мавжуд бўлса, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилиши лозим. Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг ваколатига кирганлиги сабабли, ушбу норма билан тўлдирилмоқда. Бундан ташқари, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларига оид
--	---	---	---

			давлат рўйхатидан ўтказилмайдиган ички меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилиши керак.
2.	8-модда. Касаба уюшмаларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш соҳасидаги ҳуқуқлари *** Касаба уюшмалари аҳолини иш билан таъминлашнинг аҳолини ва бу соҳадаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиб боради. ***	8-модда. Касаба уюшмаларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш соҳасидаги ҳуқуқлари *** Касаба уюшмалари аҳолини иш билан таъминлашнинг аҳолини ва бу соҳадаги қонунларга ҳамда қонун ости ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиб боради. ***	Меҳнаткашларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, аҳолини иш билан таъминлашнинг аҳолини ва бу соҳадаги нормаларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинадиган идоравий норматив ҳужжатларда белгиланганлиги сабабли, уларнинг ижросини ҳам назорат қилиб бориши лозим. Шу сабабли, мазкур ўзгартириш таклиф этилмоқда.
3.	10-модда. Касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳуқуқлари **** Касаба уюшмаларининг республика ва ҳудудий бирлашмалари ўз ваколатлари доирасида меҳнаткашларни	10-модда. Касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳуқуқлари **** Касаба уюшмаларининг республика ва ҳудудий бирлашмалари ўз ваколатлари доирасида меҳнаткашларни	Хорижий мамлакатлар, хусусан Англия, Германия, Япония ва Россия қонунчилигига асосан, касаба уюшмалари ижтимоий ҳимояга

	ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини, нарх-наво индекси ўзгаришига қараб товон тўлаш миқдорини аниқлашда қатнашадилар, қонунда белгилаб қўйилган кун кечиришнинг энг паст даражасига ҳамда пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорига риоя этилишини назорат қиладилар. Тўлдирилмоқда. ***	ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини, нарх-наво индекси ўзгаришига қараб товон тўлаш миқдорини аниқлашда қатнашадилар, қонунда белгилаб қўйилган кун кечиришнинг энг паст даражасига ҳамда пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорига риоя этилишини назорат қиладилар. Ижтимоий ҳимояга мухтож ходимлар аниқланган тақдирда маъмуриятга моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида тақдимнома киритадилар. ***	мухтож ходимларга моддий ёрдам кўрсатадилар ва уларни қўллаб қувватлашни амалга оширадилар. Шунингдек, Касаба уюшмаларининг бу борадаги ролини янада ошириш мақсадида Қонуннинг 10-моддасига мазкур қўшимчани киритиш таклиф этилмоқда.
4.	12-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқишда касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари Касаба уюшмалари касаба уюшмаси аъзоси билан маъмурият ўртасида пайдо бўлган якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқади ва улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли қарорлар қабул қилади.	12-модда. Меҳнат низоларини кўриб чиқишда касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари Касаба уюшмалари касаба уюшмаси аъзоси билан маъмурият ўртасида пайдо бўлган якка тартибдаги меҳнат низоларини Меҳнат низолари комиссиясида кўриб чиқади ва улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 264-моддасига мувофиқлаштирилмоқда. Шунингдек, амалиётда меҳнат низоларини комиссияда кўриб чиқишда муаммолар юзага келмоқда. Хусусан, комиссиянинг мажлиси қачон ваколатли бўлиши юзасидан судга мурожаатлар қилинмоқда. Шунингдек, мазкур модданинг

	<i>Тўлдирилмоқда.</i> <i>Тўлдирилмоқда.</i> Касаба уюшмалари меҳнатга доир амалдаги қонунларнинг жамоа шартномаси, битими шартларининг бузилиши, меҳнат ва турмушнинг янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини белгилаш ёки мавжуд шарт-шароитларини ўзгартириш билан боғлиқ масалаларга доир жамоа меҳнат низоларини кўриб чиқишда қатнашади.	қарорлар қабул қилади. <i>Бунда Меҳнат низолари комиссиясининг таркибига иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органларининг учтадан вакили киритилади.</i> <i>Мажлисида комиссиянинг иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органи вакилларида иборат тенг миқдордаги аъзолари иштирок этган тақдирда Меҳнат низолари комиссиясининг мажлиси ваколатли ҳисобланади.</i> <i>Чиқариб ташланмоқда.</i>	иккинчи қисми Меҳнат кодексига зидлиги ҳамда тушунарсиз баён этилганлиги сабабли чиқариб ташланмоқда.
--	--	---	--